

Biz bundan buyon ham uzoq-yaqindagi barcha xorijiy mamlakatlar, jahon hamjamiyati bilan samarali hamkorligimizni davom ettiramiz. Bu borada ochiq, do'stona va pragmatik siyosat olib borish tamoyiliga sodiq qolamiz.

Shavkat MIRZIYOEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 7-oktabr, shanba № 80 (9041)

Дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончни мустақкамлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 5 октябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги 1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

Кейинги бир йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига янги саҳифа очилди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил

5-6 сентябрдаги Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларда тарихий воқеа бўлди. Унда савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, маданият соҳаларида ва чегаралар масаласида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтарди.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга келгани маъzur тарихий ташрифнинг мантикий давоми сифатида баҳоланди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ва қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз, маданий ва диний қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимиз муштарак.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничи-

лик муносабатлари янада мустақкамланди. Ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифлари амалга оширилмоқда ва бу улкан самаралар бераётди.

Давлатларимиз халқаро доирада бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. БМТ, ШХТ, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига мос ёки яқиндир.

Мамлакатларимиз бутун минтақада тинчлик ва хавфсизлик мустақкамлаштиридан манфаатдор. Учрашувда халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустақкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ВА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ФУҚАРОЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ яратилган норматив-ҳуқуқий база фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустақкамлашга кўмаклашганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) аъзоси бўлгани ҳолда мазкур ташкилотнинг 14 та конвенциясини, шу жумладан қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс этган ҳамда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда мажбурий меҳнат таққиланиши мустақкамлаб қўйилган болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги 29, 105, 138 ва 182-сонли конвенцияларини ратификация қилди.

Миллий қонун ҳужжатларимизда болаларни меҳнатга жалб қилиш ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, жумладан бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали, шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида иш бажаришга мажбурлаш учун қатъий таҳиқ назарда тутилган. Меҳнат қилишга бирор-бир шаклда мажбурлаганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси ўзи қабул қилган халқаро мажбуриятларга сўзсиз риоя этгани ҳолда ҳамда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат сингари ҳолларга йўл қўймасликда собитқадамлигини тасдиқлаб, бу соҳада амалий халқаро ҳамкорлик учун очиқлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ХМТ ўртасида изчил мулоқот олиб борилаётганлиги тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни такомиллаштиришга кўмаклашмоқда. ХМТ билан ҳамкорликда 2017—2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури узвий рўёбга чиқарилмоқда. Халқаро меҳнат стандартларини миллий қонун ҳужжатларимизга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган бўлиб, у самарали фаолият кўрсатмоқда. ХМТ билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро меҳнат стандартлари принциплари жорий этилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди, қатор учрашувлар, конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

(Давоми 3-бетда.)

Ҳоким очик дарс ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан республикамизда аҳоли ҳаёти фаровонлигини ошириш, одамларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал этиш борасида ўзига хос янги тизим жорий этилди. Бу тизимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшларга ҳаётий мисоллар асосида тушунтириш мақсадида Мирзо Улугбек тумани ҳокими раҳбарлигидаги 2-сектор штабида сектор ҳудудидаги 71-, 121-, 148-, 208-, 209-, 308-мактаб ўқувчилари учун илк бор намунавий очик дарс ўтказилди. Но-аъънавий машғулотда туман ҳокими Шерзод Кудбиев ўқувчиларга қарорнинг

мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, худудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини содда тарзда тушунтириб берди.

— Хурматли ўқувчилар, 300 минг аҳоли истиқомат қиладиган туманимизда ободонлаштириш ишлари, худудни ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароити яратиш, фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш эндиликда биргина туман ҳокими-га юкланмайди, — дея дарсни бошлади Ш.Кудбиев. — Туманнинг тўрт раҳбари — туман ҳокими, туман ИИБ бошлиғи, туман ДСИ бошлиғи ҳамда туман прокурори худудларни секторларга ажратган ҳолда, ҳамжихатликда иш олиб бормоқда.

(Давоми 5-бетда.)

Газетани
варақлагандас

Мангубердига мактуб

Салом, адаш бобо!
Менинг исимим ҳам Жалолиддин. Қисмат экан, ноғиронлик аравачасидаман. Жуссам кичик, нимжонман. Аммо исмигини олганимдан кўксим тўла ғурур, руҳим тетик.

8-бет

Чақалоққа тилла сўргич?!

"Ўргилай, бу ҳақиқий тилла сўргич!". Ҳайратдан ёқа ушладим. Атрофда эса "Орзу-ҳавасли кишилар экан-а", "Қанийди, менинг ҳам набирамга шунақасидан олиб келишса", "Тилласи неча грамм экан?" деган шивир-шивир бошланди...

9-бет

"Қишлоғимизда спорт тўғараги йўқ"

7 ёшли Сардор Ҳасанбой Дўсमतов, Фазлиддин Ғойибназаров, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев каби чемпионларнинг муносиб издоши бўлиш ҳақида орзу қиларди. Аммо қишлоқда спорт секцияси йўқ...

10-бет

ДЎСТЛИК, АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона ва комплекс фойдаланиш бўйича икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар мазкур ҳақдорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳўкуматлараро комиссия бу борада муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар яқинда Ўшда

бўлиб ўтган халқаро кўргазмада иштирок этди. Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида «Ўзэкспо-марказ»да саноат маҳсулотлари кўргазмаси ва бизнес-форум ташкил этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Ташриф доирасида ўтказилган бизнес-форумда истиқболли келишувларга эришилди.

Томонлар ўзаро савдонинг барқарор ўсиш суръатини сақлаган ҳолда, яқин йилларда савдо ҳажмининг бир неча баробар ошириш ва унинг номенклатурасини кенгайтиришга келишиб олди. Бунинг учун саноат кооперациясини йўлга қўйиш, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, автомобиллар, автобуслар, маиший ускуналар, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан ишлар давом эттирилади. Икки мамлакат ишбилармон доиралари делегацияларининг ўзаро ташрифлари ташкил қилинади, қўшма

бизнес-форумлар ўтказилади. Икки мамлакат вакилларининг Ўзбекистонда ва Қирғизистонда ўтадиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишлари қўллаб-қувватланади.

Муҳокамаларда транспорт коммуникациялари соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу икки мамлакатнинг иқтисодий ва транзит имкониятларини ошириши, янги транспорт йўлақлари очилуви томонларга бирдек манфаат, қўшимча даромад келтириши таъкидланди. «Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой» темир йўли ва «Андижон — Ўш — Иркештон — Қошғар» автомобиль йўли қатнови бу борада улкан аҳамият касб этади.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳам кенг. Шу мақсадда таълим, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик, таълим ва илмий муассасалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ривожлантирилмоқда. Бу илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, тадқиқотчилар, мутахассис ва талабалар алмашинуви, таълим тўғрисидаги ҳўжжатларни тан олиш, мала-

ка ва илмий даражалар масалалари бўйича ахборот алмашиш учун қўлайлик яратилади.

Ўзбекистонда ҳам, Қирғизистонда ҳам халқларимизнинг бой тарихий мероси, тили, маданияти, кадрлари асраб-авайланмоқда. Маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари ўртасида алоқалар қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги вақтларда бўлиб ўтган театр жамоаларининг ижодий сафарлари, адабиёт, санъат ва фан арбоблари ижодида ва фаолиятига бағишланган тадбирлар шундан далolat беради. Шу кунларда Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари зўр муваффақият билан ўтказилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан давлат чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани, чегарадош ҳудудлараро борди-келди осонлаштирилгани маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Бу истиқболда туризм соҳаси ривожини учун ҳам кенг имкониятлар очилди.

Ўзбекистонда қирғиз тилида ўқитиладиган, Қирғизистонда дарслар ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар фаолияти тан олиш, мала-

кисдон кўмагида Ўш шаҳрида замонавий мактаб бунёд этилмоқда.

Олий даражадаги музokаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида декларацияни имzoladilar.

Давлат раҳбарлари ҳузурда икки мамлакат ҳудудлари, вазирлик ва идоралари ўртасидаги ҳамкорликка доир 10 дан ортқ ҳўжат имzolandi. Шунингдек, давлат ташрифининг иккинчи куни ўзаро манфаатдорлик асосида яна бир қатор ҳўжатлар тайёрланди ва қабул қилинди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатини маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Бу истиқболда туризм соҳаси ривожини учун ҳам кенг имкониятлар очилди.

Ўзбекистонда қирғиз тилида ўқитиладиган, Қирғизистонда дарслар ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар фаолияти тан олиш, мала-

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Инсон ҳўқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича маҳсул маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари 6 октябрь куни Фарғона вилоятида бўлди.

Ўртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, фуқароларнинг ўз диний маросимларини эмин-эркин адо этиши учун зарур шароит яратишга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътиқод ва виж-

моқда. Барча миллатлар вакилларига ўз тили, урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, ривожлантириш учун тенг имкониятлар яратилган. «Наврўз», «Сабантўй», «Масленица», «Тано» каби байрам ва бошқа миллий маросимлар турли миллат вакиллари иштирокида кенг нишонланади. Маҳаллалар, турли маданият масканлари, таълим муассасаларида ташкил этилаётган тадбирлар миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Анъанавий ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида-

Ҳар бир бола меҳр-эътибор оғушида



Навий шаҳридаги Меҳрибонлик уйида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 119 бола давлатимизнинг доимий гамҳўрлиги, халқимизнинг меҳр-эътиборини ҳис этиб улғаймоқда.

Муассасада ўғил-қизларнинг баркамол улғайиши учун барча шароит яратилган. «Моҳир қўллар», «Тасвирий санъат», «Компьютер саводхонлиги», «Рақс», «Инглиз тили» ва спорт тўғралақларида тарбияланувчилар маҳорат оширмоқда. Шунингдек, балалар қизиқиши ва интилишига қараб «Баркамол авлод» маркази ҳамда мусика мактаблари машғулотларига жалб этилган.

Ёшларнинг тарихий обидалар, зиёратгоҳ ва муқаддас қадим-жоларга савҳатлари мунтазам уюштириб борилади.



Сирох АСГОНОВ
(ЎзА) олган суратлар.

Миллатлараро тотувлик – фаровонлик асоси

дон эркинлигига доир қаролатлар Бош қомусимиз ва қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ён-атрофимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев билан учрашди. Унда вилоятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 7 миллий маданий марказ фаолият кўрсат-

ги дўстлик фестивали ҳам маданият ва анъаналарни янада ривожлантириш, ёшлар онги ва қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳўрмат туйғусини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фарғона шаҳридаги Миллий маданий марказда яратилган шароитлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари вилоятдаги миллий маданий марказлар ва диний конфессиялар вакиллари билан ҳам учрашди. Мулоқотда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар эришаётган ютуқлар, ўзаро дўстлик ва ҳўрмат ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларнинг аҳамияти ҳамда диний конфессияларнинг самарали фаолияти алоҳида қайд этилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА муҳбири

2017-yil 7-oktabr, № 80 (9041)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ВА ХАЛҚАРО МЕХНАТ СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ФУҚАРОЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқаро меҳнат стандартларига ва нормаларига риоя этиш соҳасида муайян ижобий натижаларга эришиш имконини бериб. Жумладан, болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилди, мажбурий меҳнатни тақиқловчи ва унга йўл қўймайдиган шароит ҳамда таъбирчан механизмлар жорий этилмоқда. Мазкур соҳада олиб борилган ишлар натижасида ХМТ конвенцияларига риоя қилиш борасида жиддий камчиликларни бўлган давлатлар рўйхатида Ўзбекистон 2014 йилдан бери киритилмапти.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, уларнинг яхлит ва тизимли бўлишини таъминлаш борасидаги ишлар етарли эмас, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисидаги ахборотни жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар эътиборига етказиш бўйича давлат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти қониқарсизлигича қолмоқда. Бу эса айрим ҳолларда мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати ҳақида ноҳолис тасаввур шаклланишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа жамоат ишларини ўтказишга доир ахборот кампанияси самарали ўтказилмаганлиги, ишларнинг паст савияда ташкил этилганлиги, ташкилотлар ва муассасалар, фермер ҳўжаликлари ҳамда деҳқон ҳўжаликлари раҳбарларининг қонун ҳўжатларини билмаслиги мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга йўл қўймайдики жиддий халақит бермоқда.

Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, пахтачиликни барқарор ривожлантиришнинг янги агротехнологияларини ва замонавий стандартларини қўллаш, қишлоқ ҳўжалиги сектори самарадорлиги ва рентабеллигини оширишга қаратилган инновацияларни, фан ютуқларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадвал ривожлантириш ҳамда уларни қишлоқ ва сув ҳўжалигига жорий этиш, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларини ташкил этишнинг

ва ишчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш ҳамда жорий этиш, бу соҳадаги кадрлар малакасини ошириш бўйича ишлар алоҳида диққат-эътиборни ва мулоқо янгича ёндашувни тақозо этади.

Мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати парламент ва жамоатчилик назорати даражасини ошириш, шу муносабат билан парламент тузилмасини ташкил этиб, унинг таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамяти институтлари вакилларини киритиш ҳамда унинг зиммасига Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш билан яқин ҳамкорликда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни юклаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжатларини ва халқаро шартномаларини тўлиқ рўйбга чиқариш, бирор-бир шаклда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни келтириб чиқарадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймайдики доир чора-тадбирларни кучайтириш, шунингдек мазкур соҳадаги ишлар ҳолати ва олиб борилаётган ишлар тўғрисида кенг жаҳон ҳамжамияти эътиборига ишончли ахборот етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонун ҳўжатларида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат, бирор-бир жазо қўлланиши билан таҳдид қилиб, шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси сифатида иш бажаришга мажбурлаш тақиқланишини белгилашдан иборат фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатланганлиги қайд этилсин.

2. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслари болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

3. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан бирор-бир шаклда

болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймайдики бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжатларининг ва халқаро шартномаларининг нормалари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати чораларини кучайтириш зарур, деб ҳисоблансин.

4. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси (С.Б.Артикова), Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (Т.К.Нарбаева) билан ҳамкорликда:

фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга, шу жумладан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймайдики доир Ўзбекистон Республикаси қонун ҳўжатлари, шунингдек 2017—2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнати бўйича Мамлакат дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар сўзсиз бажарилишини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини қабул қилсин;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида парламент ва жамоатчилик назоратининг барча шаклларида фойдалансин;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ўз вақтида амалга оширилиши учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш масалалари бўйича ишлар олиб борилишини таъминласин;

фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўжатларини ва халқаро шартномаларини бажариш юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги масаласи доимий равишда кўриб чиқилишини таъминласин;

фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир қонун ҳўжатларининг ижроси соҳасидаги муаммолар ва камчиликлар жойларда ўрганилишини ташкил этсин;

амалдаги қонун ҳўжатларининг инвентаризациясини ўтказсин, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳўжатларини такомиллаштириш, шу жумладан халқаро меҳнат стандартларини имплементация ва ратификация қилиш орқали такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқсин;

фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш борасида эришилган ижобий натижаларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тўғрисидаги низоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши тасдиғига киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашига фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларни 2-иловага мувофиқ таркибда тузиш тавсия этилсин.

Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар:

жойларда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини, шу жумладан ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари доирасидаги меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга

доир кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга, шу жумладан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймайдики доир қонун ҳўжатларини амалга оширишга оид жойлардаги муаммоларни ва камчиликларни ўрганиб бориш;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратининг барча шаклларида фойдалансин;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақидаги маълумотни йўл қўйилган қоидабузарликлар учун белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллаш учун бандлик ва меҳнат муносабатларининг ҳудудий органларига ва прокуратура органларига киритиб бориш;

олиб борилаётган ишларнинг натижалари бўйича ахборотни, шунингдек қонун ҳўжатларини такомиллаштиришга доир тақлифларни Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссиясига доимий равишда тақдим этиб бориш.

6. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси (С.Б.Артикова) фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўжатларини ва халқаро шартномаларини бажариш юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлигини кўриб чиқиш натижаларини тўғрисидаги ахборотни мунтазам равишда (бир йилда камида бир марта) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси муҳокамасига киритиб бориш.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ВА ХАЛҚАРО МЕХНАТ СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ФУҚАРОЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.

Боши 1-, 3-бетларда.)

Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан ижро этилишига доир ахборотни мунтазам равишда (бир йилда камида бир марта) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши муҳокамасига киритиб бориш.

7. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси (С.Б.Артикова) олиб борилаётган ишлар натижалари бўйича қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар йили ахборот тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига (А.Х.Комилов) қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъмин-

лаш борасида Ўзбекистон Республикаси томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги материалларни БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Комилов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси (А.А.Курманов) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси (А.Ж.Жалилов, келишувга кўра) билан ҳамкорликда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисидаги ахборотни чет элдаги консуллик муассасалари орқали жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар эътиборига етказиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Тадбирлар мажмуи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов):

қишлоқ ҳўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини, уни механизациялаш даражасини ошириш мақсадида, шу жумладан пахта ҳосилини машинада териш ҳажмини кўпайтиришда, шунингдек мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларини ўтказишда бозор механизмларини, инновацияларни, фан ютуқларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

жорий агротехнологиялар қўлланишини яхшилаш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, механизацияланган теримга тайёрлигини таъминлайдиган ҳамда механизацияланганликдан максимал самара берадиган гўза навларининг селекциясини ривожлантириш;

озик-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида аграр секторда амалдаги қувавларни модернизациялаш;

тўғридан-тўғри инвестицияларни, чет эл кредит линияларини ҳамда техник кўмак маблағларини жалб қилиш мақсадида аграр сектор ва унинг маҳсулоти ўзгартирилишини ва диверсификациялашинини ҳисобга олган ҳолда республика қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

жалб этиладиган мавсумий ишчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш, бу соҳадаги меҳнат муносабатларини тако-

миллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

11. Нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда фермер ҳўжаликлари фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамда миллий қонун ҳужжатларига риоя этаётганлиги устидан жамоатчилик назоратини жорий этишга доир чора-тадбирларни кучайтириш;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига дахлдор бўлган шахсларга нисбатан жамоатчиликнинг таъсир чораларини қўллаган ҳамда уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга таклифлар киритган ҳолда аҳоли ўртасида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва аҳоли билан қайта алоқа механизмларини жорий этиш тавсия қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маб-

лағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига (А.Х.Саидов) ижтимоий шериклик доирасида муносиб меҳнат шaroитларини яратиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар ажратиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (И.Б.Абдуллаев) фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга, шу жумладан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишининг олдини олиш ва унга йўл қўймасликка доир Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ижроси устидан қатъий назорат олиб борилишини таъминласин, бунда мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларини ва бошқа жамоат ишларини ўтказишда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратсин.

14. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Т.Йўлдошев зиммасига юклатилсин.

15. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 октябр

Халқаро пресс-клуб: Меҳнат муносабатларида янги воқелик

2017 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) ратификация қилинган конвенциялари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш, ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу соҳада ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича қатор тадбирлар назарда тутилган.

Сенаторлар, бир қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги Факултетада ва муҳофизатчилари, халқаро ташкилотлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, фермерлар, ёшлар, маҳал-

лий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида ушбу мавзу муҳокамалар марказида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотинқизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Отажонов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомжўраев ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жиҳатлар Конституциямизда, қонун ҳужжатларида ўз аксини топганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Мазкур ташкилотнинг 14 та конвенцияси, жумладан, болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилган. Ҳозирги вақтда фуқароларнинг меҳнат муносабатлари

соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир бир қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи 2017—2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури амалга оширилмоқда. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болалар ва мажбурий меҳнатга қарши таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этаётгани, айниқса, самарали кечмоқда.

Халқаро пресс-клуб сессиясида мажбурий меҳнат хавфига йўл қўймасликда қишлоқ ҳўжалиги самардорлиги ва рентабеллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бу борада мавжуд имкони-

ятлардан унумли фойдаланиш, хусусан, пахта ҳосилини машинада териш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларини ўтказишда бозор механизмларини, инновациялар ва фан ютуқларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш долзарб саналади.

Мазкур йўналишда амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Жумладан, тежамкор ва замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ўзлаштириш, мавсумий ишга жалб қилишнинг самарали усулларини жорий этиш, ишсизлар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирлар янада такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда Жаҳон банки мутахассислари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги иш-хотларини, янги иш ўринлари яратиш каби ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ҳамisha тайёр эканини қайд этди. Фермерлар ишчи-ходимларни рағбатлантириш, уларга муносиб шaroитлар яратишдан бирдек манфаатдорлигини билдирди. Спикерлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Улуғбек АСРОПОВ,
ЎА мухбири

2017-yil 7-oktabr, № 80 (9041)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хар бир сектор учун алоҳида штаб ташкил этилган бўлиб, фаолиятимиз узлуксизлиги таъминланган. Барча сектор вакиллари халқ билан янада яқин бўлиш, уларнинг дарду ташвишларини ўрганиш мақсадида уйма-уй юриб, аҳоли билан учрашмоқда. Жадвал асосида сектор аъзоларининг қайси маҳалла ва объектга бориши белгиланган. Реал вазият чуқур ўрганилиб, муаммолар бартараф этилмоқда. Яна бир янгиллик — мазкур сектор штабида "Smart city" лойиҳаси татбиқ этилмоқда. Унга кўра, ҳудуд кузатув камералари орқали тўлиқ, ягона ва марказлашган кузатув тизими-га қамраб олинади. Бу муаммоларни аниқлашда, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўл келади.

2-сектор ҳудудидаги 9 та маҳалладаги 13721 хонадонда истиқомат қилаётган 68 минг аҳолининг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиб, муаммоларга чора кўриш мақсадида 9 та гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳи сектор ҳудудида яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ҳамда ишсиз фуқаролар, уюшмаган ёшлар билан мунтазам иш олиб бориб, тегишли ёрдам кўрсатмоқда. Хусусан, 16 нафар ёлғиз қарияга, 82 ёш оилага, 14 нафар ногирон болага, 78 нафар ҳомиладор аёлга бепул тиббий хизмат кўрсатилди. Алишер Навоий, Шукр Бурҳонов номидаги, "Катта Қорасув-2", "Султония" маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар ҳамда маҳалла ҳаётида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ ёшларга велосипед, ролик, самокатлар бепул ижара тизими асосида берилиши йўлга қўйилди. Болалар учун 100 жамланма ўқув қуроллари тарқатилди. 28 нафар отахон ва онахон ЭКГ текширувидан ўтказилди. 1-гуруҳ ногирони Ҳаётбек Хушматовнинг уй-жойга эҳтиёжи борлиги аниқлангач, унга Паркент кўчасидан янги хонадон қалити ва ҳужжатлари топширилди. "Султония" маҳалласида замонавий болалар майдончаси барпо этилди.

Сектор ҳудудида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика ишларини олиб бориш, айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги таъсирчан ишларни жадаллаштириш учун ички ишлар бўлиmlлари қошида 8 та тунги жамоатчилик назорат гуруҳи ташкил этилди. Хар бир бўлимга 6 нафар кўнгилли фуқаро назоратчи сифатида бириктирилди.

Ушбу маълумотларни бежиз келтирмадим. Ватан тараққиёти, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида-

қарор мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англайсизлар. Илгари туман ҳокими, туман ИИБ бошлиғи, туман ДСИ бошлиғи ҳамда туман прокурори алоҳида ишлаган. Бунинг натижасида бир-бирига боғлиқ масалаларга ечим топишда сансалорлик юзага келарди. Янги тизим ишга тушгандан кейин туманининг тўрт раҳбари ҳамжihatликда ишлаб, кези келганда соғлом рақобатга киришмоқда. Кимнинг ҳудуддаги маҳалла кўчаларига кўп асфальт ётқизилди ёки қайси ҳудуддаги кўпқават-

ётқизилгани учун ҳокимга миннатдорчилик изҳор қилди.

— Ўтган йили мактабимиздаги бир гуруҳ ўқувчилар қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирганди, — деди 148-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шахризода Баҳромқуллова. — Ушанда оилавий шароити тақозоси билан ҳамма ўқувчи ҳам саёҳатга бора олмаганди. Сиздан мактабимиз ўқувчиларининг қадимий шаҳарларга саёҳат қилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

45 daqiqa

асосий бурчини тўлиқ бажаришга — чуқур билми олишга ундади ва улarga фанлар бўйича саволлар билан мурожаат этди. Ўқувчилар жавобидан мамнун бўлган ҳоким 121-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шахзодхон Файзиевнинг қуйидаги таклифини бажонидил қабул қилди:

— Юқоридаги қарор тўғрисида эшитган бўлсамда, атрофимизда юз бераётган ўзгаришлар бу ҳужжат туфайли юзага келган механизм самараси эканлигини билмаган эдим. Қарор юзасидан ўқитувчимизнинг назарий маълумотлари ҳамда сизнинг амалий тушушча беришингиз фикрларимни ойдинлаштирди. Демак, биз ёшлар атроф-муҳитимиз, маҳалламизда бўлаётган ўзгаришларга бепарқ бўлмаслигимиз, фаоллик кўрсатишимиз керак. Сиз билан учрашув биз ёшларнинг интилишларимизда бурилиш ысайди, деб айта оламан. Шу маънода "Ёшлар ва ҳоким" тadbirlarини мунтазам ташкил этиш таклифини билдирмоқчиман. Бу учрашувларга уюшмаган ёшларни ҳам жалб этиш самарали бўлади, деб ўйлайман.

Ўқувчилар дарсадан кейин штаб фаолияти билан танишди, ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, 2-сектор бошлигининг ўринбосари Нодира Умарова ўқувчиларни аҳоли учун яратилган қулайликлар билан таништирди.

— Ўқувчилар билан туман ҳокимининг учрашуви, амалий машғулот ўтказилиши, ўзаро фикрлашиши — ибрат олса арзигулик тажриба, — дейди Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими мутахассиси Бердиёр Тўйчиев. — Дарсда ўқувчиларнинг ҳаётий мақсадлари янада ойдинлашди, ҳудудимизда, юртимизда амалга оширилаётган исхотларга дахлдорлик ихссини туйди. Энди улар ўзларининг ўқувчилик фаолиятига янгича нигоҳ билан ёндашишга, бепарқлик иллатидан қочишига ишончим комил.

Насиба ЭРХОҲОВА, "Ma'rifat" мухбири

ҲОКИМ ОЧИҚ ДАРС ЎТДИ

ги бундай ишларда сизларнинг ҳам фаоллигингиз, ўзгаришлардан бохабар бўлишингизни истайман. Авваллари халқ ҳокимият вакиллари ёки раҳбарларга интилган бўлса, бугун ҳоким ва раҳбарлар бевосита аҳоли ичига кириб бормоқда, уларнинг мурожаатини тингламоқда. Аҳолига янада қулайлик яратиш учун 2-сектор штабида марказий бухгалтерия ташкил этдик.

ли уйлар томи бутланди, қайси ҳудуддаги мактабларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, деган рақобат раҳбарларни жон койитиб ишлашга ундамоқда.

Сизлар ҳам таълим олаётган мактабингиз, яшаётган маҳаллангизда рўй бераётган ўзгаришларни сезган, кўрган бўлишингиз керак. Марҳамат, фикрларингиз, таклиф ва саволларингизни эшитишга тайёрман.

Ҳоким ушбу мурожаатни ҳал этишга ваъда берди ва ўқувчиларга бундан тасдиқловчи сертификат топширилди.

71-мактаб ўқитувчиси Зумрад Фаниева Президентимизнинг "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан жорий этилган янги тизимнинг



Энди коммунал ёки бошқа тўловлар бўйича фуқароларнинг мурожаати шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда. Аввалгидек ташкилотматташкилот, идорама-идора сарсон бўлишларига барҳам бердик.

Туманларда бу тарзда иш ташкил этишининг афзаллиги ҳақида тўхталиб ўтсам,

Шундан сўнг, ўқувчилар туман ҳокимига таклиф ва фикрларини билдирди.

308-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Абдурахмон Хусанов мактаб томи янгидан ёпилгани, ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш учун замонавий панжара билан ўралгани ва муассаса атрофидаги йўлакларга асфальт

мазмун-моҳияти ва аҳамиятини слайдлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга тушунтириб берди.

Қизгин мулоқот чоғида Шерзод Қудбиев аъло баҳоларга ўқиган, пухта билма олган ўқувчилар келгусида юртимиз учун зарур мутахассис бўлиб етишишини таъкидлаб, ёшларни энг

Эҳтиёжманд оилаларга китоблар тарқатилди

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчик ва Оҳангарон туманларида "Оилаларга — маърифат улашиб" шиори остида китоб тарғиботи акцияси ўтказилди.

Тadbirlar Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, вилоят ва туманлар ҳокимлик-

лари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Акция доирасида Ўрта Чирчик туманидаги 10 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига турли адабиётлар тар-

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

қатилди. Тумандаги "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи боқувчисини йўқотган Раъно Мақсуддинованинг тўрт фарзандига ҳам "Ўздавкитобсавдотамиянот" масъулияти чекланган жамияти томонидан ажратилган бадий китоблар совға қилинди.

— Аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, муролаа маданиятини юксалтиришда ҳудудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркалари ташкил этиш, мил-

лий ва жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари М.Назаров. — Хусусан, таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда

китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш, мактабга ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти, муролаа кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ҳомий ташкилотлар томонидан Оҳангарон туманида кам таъминланган оилаларнинг 130 нафар фарзандига ва имконияти чекланган болаларга 600 нусхадан ортиқ китоб тарқатилди.

Тadbirlar доирасида ҳомийлар ташаббуси билан ҳудуддаги Ойбек номидаги кутубхонага 6 миллион сўмлик турли ўқув адабиётлари, бадий, маърифий китоблар совға қилинди.

А.МУСАЕВ, ЎЗА мухбири

Мактабгача таълим тизими

тубдан ривожлантирилади

Мактабгача таълим тизimini тубдан ислох қилиш, тизимнинг бошқарув тузилмасини ташкил этиш, 5-6 ёшли болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши юртимизда мактабгача таълим тизimini сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, МТМ инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш имконини яратди.

Таълимнинг илк бўғинига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, руҳий ижтимоий ва ақлий тайёргарлиги мактабгача таълим муассасасидаги тарбияга боғлиқ. Аммо ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим

соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси пастлигини кўрсатмоқда. Мисол учун, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълимга қамрови 30 фоизни ташкил этади, холос. Муассасаларнинг моддий-техника базаси ҳам замон талабига жавоб бермайди. Қолаверса, давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг

аксарияти ўрта махсус маълумотли экани ҳам болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Кўплаб хорижий давлатларда замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга катта эътибор қаратилгани ку-

Munosabat

затилди. Юқоридаги фармон ва қарорда белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда ҳам замон талабларига жавоб берадиган мактабгача таълим тизimini вужудга келтиради. Фарзандларимиз кичик ёшлигидан маънавий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантириб борилади.

Республикамизда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши МТМлар орасида соғлом рақобат му-

хитини яратди. Натижада барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олиниши таъминланди. Уларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида шу мазмундаги ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар яратиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир.

Ушбу ҳужжатларда бирор бир жиҳат эътибордан четда қолмаган. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароит яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, тиббий тақдимономалар билан белгиланувчи сёрҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш белгилаб берилди. Муассасаларда болаларга тиббий хизмат кўрсатиш

ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Эндиликда республика ҳудудларида 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринли давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Энг илғор хорижий тажрибалар асосида ҳар жиҳатдан замонавий мактабгача таълим тизimini яратилади, ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантирилиб, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражаси янада юксалтирилади, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилади, 5-6 ёшли болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш имконияти яратилади.

Малоҳат АбЗАМОВА,
Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази директори

Тиббиётнинг барча йўналишини ҳамшира фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон тиббиётида ҳам етакчи кучга айлана бораётган ушбу касб эгаларининг одамлар саломатлигини асраш, аҳолига тиббий-профилактика, диагностика, даволаш ёрдами кўрсатишда алоҳида ўрни бор. Айниқса, шошилинч тиббий хизмат, жонлантириш, жарроҳлик амалиёти блокларида малакали ҳамширанинг билими, маҳорати, тажрибаси, ўз касбига садоқат беморнинг соғлом ҳаётга қайтишида муҳим омил бўлади.

Президентимиз тиббиёт ходимлари билан ўтказган учрашувлари, видеоселектор йиғилишлари ва вилоятларга ташрифи мобайнида ҳаққимизни рози қилиш учун, аввало, тиббий хизмат сифатини юксалтириш лозимлигини кўп бор таъкидлайди. Жумладан, шу йил 6 май куни Яшнобод туманига ташрифи чоғида ҳам давлатимиз раҳбари оилавий полиликликарларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, хонадонларга чиқиб, аҳолига патронаж хизмати кўрсатиши янада кучайтириш, тиббий ёрдам қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу каби ислохотларни амалга оширишда ҳамшираларнинг ривожлантириш, хусусан, ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, тиббиётнинг илғор ютуқлари билан ҳамқадам иш юритиш учун уларга зарур шароит яратиш куннинг муҳим масалаларидандир.

Айни пайтда мамлакатимиздаги 78 тиббиёт коллежини тамомлаб, ишлаётган ўрта тиббиёт ходимлари ҳар беш йилда ўз малакасини ошириб боради. Уларнинг малакасини Республика ўрта тиббиёт ва дорисано ходимларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш мар-

Ҳамшира салоҳияти

тиббиёт тизими фаолиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутди

кази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида оширилади. Ислохотлар самараси ўлароқ, Марказ фаолиятда янгилаш ишлаш механизми йўлга қўйилмоқда.

— Марказимизда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармалари муассасалари ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларда фаолият юритувчи ҳамширалар ҳамда дорисано ходимлар малакасини оширилади, — дейди Марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Лолахон Мусаёнова. — Фаолиятимиз самарадорлигини ошириш мақсадида, аввало, малака оширувчиларнинг электрон маълумотлар базаси яратилди ҳамда ҳужжатларни электрон қабул қилиш тизимига ўттилди. Энди барча туман тиббиёт муассасасидаги ҳамширалар сони, уларнинг қайси йўналишда ишлаши, охириги малака оширган вақти, малака оширишга эҳтиёжи каби маълумотлар базага киритилди. Малака оширувчи ҳамширалар рўйхати шакллантирилиб, ойлар кесимида тақсимланди. Ҳар бир ой аввалида туман тиббиёт бирлашмаларига йўланмаларни электрон тарзда жўнатамиз. Шундан сўнг бирлашма томонидан керакли ҳужжатлар юборилади. Малака оширишга келаётган ҳамшира ўз номига жўнатилган йўланма ва муассаса раҳбарининг буйруғи билан келади, холос. Бу, ўз навбатида, тингловчиларни турли овозгарчиликлардан халос этади.

Ҳамшира Лобархон Хусниддинова Юнусобод туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиникада 21 йилдан буён узлуксиз фаолият

кўрсатиб келади. Ўтган йиллар давомида 5 марта ушбу марказда малака оширди. Ҳозир олтинчи бор ўз билим ва тажрибасини бойитмоқда. Унинг эътиборини тортган илк жиҳат ҳужжатларни онлайн қабул қилиш жараёни бўлди.

— Ҳужжатларнинг онлайн қабул қилиниши биз учун яратилган энг муҳим қулайликлардан, — дейди Лобархон Хусниддинова. — Олдин малака ошириш учун йўланмани

Jarayon

туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими ходими Марказдан олиб кетар ва жойларга олиб бориб тарқатарди. Йўланма йўқолган ёки кечикиб етиб борган вақтлар ҳам бўлган. Ҳужжатлар билан келганимизда эса олти юздан ортиқ киши бир вақтда қабул қилинган учун узоқ вақт навбат кутардик. Баъзан талаб этилган ҳужжатлардаги камчиликлар тўғрисида икки-уч бор сарсон ҳам бўлганмиз. Бу сафар эса ҳужжатлар туман тиббиёт бирлашмаси томонидан Марказ электрон базасига киритилгани учун келган кунимизданок ўқишни бошладик.

Авваллари кўплаб дарсларни бир ўқитувчи ўтган бўлса, бугун мавзулар бўйича машғулотларни ўз йўналишини чуқур ўрганган мутахассислар аудиторияда, илмий-текшириш институтлари, ихтисослашган тиббий марказлар лабораториялари, клиникаларида олиб борапти. Айниқса, тартиб-интизомга қатъий амал қилиниши соҳа ходимларининг чин маънода малака ошириб, ўз иш жойига янги билим, мустаҳкам кўникма ва малака билан қайтишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Дарслар модул тизими асосида ўқитилиши йўлга қўйилди, — дейди Лолахон Мусаёнова. — Ҳамшира факултода, шошилинч ҳолатларда беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши чуқур билиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурига "Шошилинч ҳолатда тиббий ёрдам" дarsi киритилди. Яна у ўзи ишлатадиган асбоб-анжомларни стериллашнинг яхши билиши керак. Чунки ҳозирги кунда кўплаб юқумли касалликлар тиббиёт ускуналари ва тажрибасини бойитмоқда. Бу борада ўрта тиббиёт ходимларининг масъулиятини ошириш мақсадида стерилизация фанини ўқитиш йўлга қўйилди.

Марказнинг моддий-техник базаси янада бойитилди. Тошкент вилоятдан келган тингловчилар учун мавжуд тураржой биноси капитал таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Тингловчи-ҳамшира 139 соатлик дастурни ўзлаштириб бўлгач, ўрганганларини синовдан ўтказади. Жорий йилдан мазкур жараён ҳам компьютер дастури орқали амалга оширилмоқда. Имтиҳондан ўтолмаган тингловчи яна бир имконият берилди. Шунда ҳам талабга жавоб бермаса, унга малака оширгани тўғрисида сертификат тақдим этилмайди. Сертификатсиз қайтган ҳамшира билан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин. Шу боис тингловчи астойдил ўқишга интилади.

Шу кунгача олий маълумотли ҳамширалар ҳам марказда малака оширарди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари шу ўқув йилидан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака ошириши белгиланди.

Аббор УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Бола — гўёки ниҳол. Тўғри парвариш қилинса, тик ва безовол ўсади. Аммо оиладаги носоголом муҳит, ўқитувчи масъулиятсизлиги, дўст танлашда адашиш, меҳр-муҳаббатга ташналик болани майда хуқуқбузарликка ундаб, бора-бора катта жиноятга етаклайди.

Фарзандингизнинг юзига бир қаранг...

Педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуროнов "Оталар китоби" асариди "Ўғил фақат сенники эмас. У — миллатнинг ҳам фарзанди. У давлатимизнинг энг яхши фуқароси бўлиши керак. Нотўғри тарбия фақат сенинг эмас, миллатнинг ҳам қалбини яралайди. Давлатимиз тараққиётига ё бефойда бўлади, ё зарар келтиради", дея таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, танбал, ишەкмас, фақат ўзини ўйлайдиган шахсдан жамиятга маҳалла-қўйга наф йўқ?

— Таълим муассасамизда мингдан ортик ўқувчи ўқийди. Уларнинг

ийм олиб берсин, — дея она боласини жеркиди.

— Мени гапирмасдан ўзингни билсанг-чи! Ҳар тўйга янги кўйлақ олишинг шартми? Тақинчоқ, парфюмериянга отнинг калласидай пул сарфлашни билсан! — деди ота хотинига ўшқириб.

Эр-хотиннинг жанжали авж олди. Спорт формаси боис бошланган можаро бошқа масалаларга кўчди. Отанасининг навбатдаги жанжалига саябабчи бўлган болакай ҳақоний талаби учун минг пушаймон бўлиб, уйдан чиқди. У йўл-йўлакай ҳеч нарсага зориқмай яшашни, ота-онасининг аҳилликда турмуш кечиршини, келажақда кучли спорт-

чи бўлиб, чемпионликка эришини орзу қилди. Маҳалла гузарии ёндан ўта туриб, бирга футбол ўйнайдиган, "киссавур" лақаби билан машҳур барзангига дуч келди.

— Укам, бунча қовоғингдан қор ёғмаса, ким хафа қилди? — дея безори болакайнинг олдини тўсди.

— Дарсдан кейин кўришамиз, стадионга футбол ўйнагани бораман, — деди болакай шошиб тургани боис.

Маҳалла "шефи" Комилнинг кайфиятидан фойдаланиб, 3-4 кун ичиде уни ўз ҳамтовоқлари сафига тортди. Комил унинг шериклари билан тез тил топишди. Янги "дўстлар" ортиргач, давомати тушиб кетди, кундалик дафтари икки баҳолар билан "бойиди". Унга на синф раҳбари, на бошқа ўқитувчиларнинг панд-насихати кор қиларди.

Бу пайтда бир-бири билан чиқиша олмаган эр-хотин ажрашиб ташвишда Комилни дейишди унутиб қўйишди.

...У бегубор бола эди. Оиладаги носоголом муҳит, эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатди. "Ўзим ҳам пул топа оламан", деган ўй-хаёлда ўсимр ўйлашқа қўл урди. Бошида уни ҳеч ким пайқамайди, чўнтаги оилавий муҳитда отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни бўлиши, миллий-маънавий қадриятларга мурожаат қилиш хусусида педагогик маслаҳатларимизни бердик.

Кўнгли тўлди. Янги кроссовка олиб кийганида парокандалика юз тутган, ўз муаммоларига кўмилган ота-онаси унинг аҳволини сурштирмади. Бироқ қўнғир ишининг кийиғи қўрққунга ҳам бормади чикди. Киссавурларнинг бари қўлга тушиб, маҳалла-қўйга шарманда бўлди. Уларнинг устидан жиноий иш кўзга тилиди.

"Ўйга келиб, фарзандингизнинг юзига бир қаранг ва сиз ўз оилавий муносабатларингиз қандайлигини кўрасиз?". Ҳақиқатдан ҳам япониялик оилами Шиничи Сузуки айтганидек, оиладаги нотинчлик бола руҳиятига салбий таъсир этади. Мақсадимиз — вояга етгаётган ўғил-қизларимизнинг чеҳрасида доимо хотиржалмик, табассум, ҳаётдан мамнулик ҳисси балқиб турсин.

Ҳасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Фаолиятимизга танқидий кўз билан қараш

давр талаби эканини унутмайлик

Катта ҳаёт остонасида турган бола қалби оқ қозога қиёсланади. Умр йўли турфа синовларга тўла. Эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида бегубор кўнгли доғ ва қаразли мақсадлар асосида чизилган турли-туман "сурат"ларга "бойиди". Уша иллатларни диний экстремизм, терроризм, гийҳвандлик, одам савдоси, "оммавий маданият" деб номланган ҳавф-хатарларга мензаш мумкин.

Маълумотларга кўра, Сурия, Афғонистон, Сомали, Судан ва Жанубий Судан каби турли қуролли тўқнашув ва нотинчликлар ҳуқи сураётган давлатларни 4,5 миллион нафардан ортик бола тарк этган. Низолар давом этаётган минтақаларда бола ҳаёти ҳавф остида: айримлари нобуд бўлиб, муайян қисми жангарилар сафига мажбурий равишда жалб қилинмоқда. Дунё бўйича 168 миллионга яқин вояга етмаган ўғил-қизнинг мажбурий равишда оғир меҳнатга жалб қилиниши янада ачинарлидир. Осиё-Тинч океани минтақасида 78 миллион, Тропик Африкада 59 миллион, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 13 миллион, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 9 миллиондан зиёд боланинг яшаш шароити жуда оғир. Статистик маълумотларга кўра, сайёрамизда 113 миллионга яқин бола мактаб таълими нималигини билмайди.

Ўзбекистонда эса ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Тинч ва фаровон юртда хотиржам яшашимиз. Ҳар бир бола давлат эътиборида. Мактаб, кўча, лицей ва олий таълим муассасалари эшиги бизга очик, Дарсдан кейинги вақтимизни кутубхона, спорт комплекслари ёки "Баркамол авлод" марказларида мазмуни ўтказамиз. Ҳўш, унда "юшмаган ёшлар" қандай пайдо бўляпти? Ёшлар нима учун турли ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмоқда?

Мангубердига мактуб

Салом, адаш бобо!
Менинг исми ҳам Жалолиддин. Қисмат экан, ногиронлик аравақисиданман. Жуссам кичик, нимжонман. Аммо исмингизни олганимдан кўксим тўла гурур, руҳим тетик. Ҳаётингиз ҳақида кўп ўқидим. Амударёдан сакраб ўтганингиз ҳақидаги гаплар мишмиш, холос. Саксон ёшларингизда Сизни Чинда кўрганлар бор. Мен учун Мангуберди ҳамон тирик ва ушбу мактубимни, албатта, ўқийсиз.

Етти мучам соғ бўлганида Сизга муносиб навкар бўлардим, деб хаёл сураман.


Машгулотим — суратлар чизаман, китоблар мутоласига шўнғийман, қўлимдан келганча уй юмушларида онамга қарашаман. Чизганларимнинг бул маззуси — норегул, ор-номусли, ҳамиятли йиғитлар сиймолари.

Дўстларим мени йўқлаб туришади. Айниқса, Шамси билан Мансур бизникига келишни қанда қилишмайди.

Ёшимиз йигирмадан ошиб, тенгдошларим ҳам уйланишни бошлади. Фани деган ўртоғимга кич қизаштирилган эди, уйда маросим ўтказилармиш, Шамси билан Мансур келиб қўйрада қўймади мени ўша ёққа олиб кетишди. Хайратининг боиси шуки, Фаниларникида синфдош йиғитлар "куёв сарпо кўрар"га йиғилишибди.

Мен кўлаб ёвқур, зиёли, донишманд аждодларимиз ҳақида китоблардан анча-мунча маълумотлар олганман, отамдан йиғит гурури бобида кўп ўғитлар эшитганман. Эрлик шаъни

ёшларни ушбу марказга мунтазам жалб қилиш, психологик ёрдам бериш, саломатлигини тиклаш ҳамда турли иллатлардан ҳимоя қилиш бўйича давра суҳбатлари ташкил этиш керак. Марказда ёшларнинг бўш вақтини қизиқарли ўтказиши учун эстетик завоқлашадиган ва маданий ҳикмати радиган тadbирларни кўпайтириш зарур.



Четга иш излаб чиқиб кетган ёшларни қайтариш учун уларнинг қизиқиши, хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш жуда муҳим. Четга кетаётганларнинг кўпчилиги ўсимрлар, яъни ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларини битирган ёки битирмаган ёшлардир. Шуни инобатга олган ҳолда уларни маълумотига тўғри келувчи, маошдан ташқари даромад (муқофот пули, озиқ-овқат ва ҳоказо) бўлган ишлар билан таъминлаш зарур.

Четга иш излаб чиқиб кетган ёшларни қайтариш учун уларнинг қизиқиши, хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш жуда муҳим. Четга кетаётганларнинг кўпчилиги ўсимрлар, яъни ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларини битирган ёки битирмаган ёшлардир. Шуни инобатга олган ҳолда уларни маълумотига тўғри келувчи, маошдан ташқари даромад (муқофот пули, озиқ-овқат ва ҳоказо) бўлган ишлар билан таъминлаш зарур.

Диний экстремизм ва ақидапарастлик гоғлари таъсирига тушиб қолган оилада истиқомат қилувчи ёшлар билан алоҳи-

Танишларимиздан бири сўзлаб берган бу воқеа мени ўйлангир қўйди: яъни, у поёзда "асал" сотиб юрадиган бир йиғит билан суҳбатлашиб қолади. Гап айиланиб, савдо-сотикча бориб тақалганда, йиғит бир ишданга махсулотини "асал асал", қолганларини эса "тоза эмас" дея харидорларга тўтқазибди аён бўлибди. Ҳўлаас, унинг "асал асал"и асал, "тоза эмас" дегани қийм экан. Танишимиз очкича танбех бериб: "Ука, бу ишнингизда ўзингиз розимизми?" дея сўраса, йиғит: "Ака, шундай қилишга мажбурман, чунки савдо хисси бўлмайпти. Қийматини билмасан, одамлар умуман олишмайди", дея жавоб берибди.

Молнинг айби:

савдо-сотикда уни яширманг

Танишимизнинг "Укажон, мен сизни бирон кишининг олдиди уялтириш учун эмас, «Мўмин — мўминнинг кўзгуси», деган ҳадис шариф ундовидан келиб чиқиб оғохлантирияман. Сиз Оллоҳ таолога таваккал қилинг-да, қалбаки махсулотни умуман сотманг ёки қийматини айтиб сотинг.

Сизга тўғрисиўзлингиз учун харидорни меҳрибон Тангрининг ўзи хўнатади. Ҳозиргача асал асал кам сотилаётган бўлса, шундай йўл тутсангиз, олди-сотдингиз баракасига ўзингиз хайрон қоласиз. Шу вақтга одамларни алдаб, қиймни асал деб сотганингиз устун астойдил тавба қилишини асло унутманг", деган насиҳати га йиғит: "Ҳўп, айтганингиздек қиламан", дея мулзам бўлган қўйи хайрлашабди.

Бировни алдаб молни ўтказиш гуноҳ эканигини савдо-сотик билан рўзгор тебратишни ният қилган киши билиши зарур. Яна бир ҳолат мени жуда таажублантиради: ҳеч эътибор берганамсиз, қўнчага тўй қилдиган кишилар соғва-салом учун тарқатиб юборишга арзон кийим-кечақлар излаб қолишади. Топганларида ўйлаб ҳам ўтирмасдан рулонини харид қилишади. Бу тухфани кимдир қиядими, йўқми, қизиги йўқ. «Ишбилармон» соғувчи эса харидорларнинг матони очкиб қўришларига изн ҳам бермайди. Ҳада теккан киши уйига бориб "ма-тоҳ"ни очиб, у ёқ бу ёғини кўрсаки, на кийишга, на кимгадир беришга ярайди. Бу қаллобик кимдан чиқганини

билмай, пайти келганда шу тахлит ундан "кутулиш"ни ўйлаб, бўхчасига солиб қўяди. Ҳўш, бу авлод кимга керак? Бу билан на ишлаб чиқарувчи, на савдогар, на сотиб олувчи барака топади? Чунки барака Оллоҳ таолодан. Уни эса алдаб бўлмайди. Гап савдо ҳақида кетаётганлиги учун бу ёзи хўнатади. Ҳозиргача асал асал кам сотилаётган бўлса, шундай йўл тутсангиз, олди-сотдингиз баракасига ўзингиз хайрон қоласиз. Шу вақтга одамларни алдаб, қиймни асал деб сотганингиз устун астойдил тавба қилишини асло унутманг", деган насиҳати га йиғит: "Ҳўп, айтганингиздек қиламан", дея мулзам бўлган қўйи хайрлашабди.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Юнусобод тумани бош имом-хатиби, Тошкент ислом институти ўқитувчиси, «Мирза Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби

Қўшниликда бешик тўйи. Келин томондан юк машинаси келди: чақалоқнинг сарпоси. Янги меҳмон 5-6 ёшга қадам қийиб тўздириши мумкин. Аёл қуда эҳтиётлаб олиб келаётган тоғорадаги майда-чўйдалар орасида занжири ва банди ялтироқ сўргичга кўзим тушди. Бунақасини кўрмагандим. Энг сўнгги одатлардан, шекилли. "Тиллага ўхшаркан", ичимдаги ўй беихтиёр тилимга чиққанини сезмай қолибман. Қуда аёл гапимдан ялт этиб, менга ўғирлади: "Ўргай, бу ҳақиқий тилла сўргич!". Ҳайратдан ёқа ушладим. Атрофда эса "Орзу-ҳаваси кишилар экан-а", "Қанийди, менинг ҳам набирамга шунақасидан олиб келишса", "Тилласи неча грамм экан?" деган шивир-шивир бошланди...

Чақалоққа тилла сўргич?!

Янги туғилган чақалоққа нима керак? Тўрт фаслга мос бир сидра қийим-бош, бешик, аравача ва ўйинчоқ. Замона ривожлангани, турмушимиз фаровонлашгани сари беҳуда орзу-ҳавас, истак-хоҳишлар ортиб кетаётганга ўхшади. Қўша-қўша кийим-кечак, керак-ноқерак мебелу аравачалар борган сари бешик тўйидаги даҳмазага айлиб бормоқда. Кейинги пайтларда урфга кирган тилла сўргич ҳақида хали биров билмади, биров билмайди. Тилла сўргич... ўйлаб қолсан киши. Гўдакча онасининг меҳр тўла кучоғи ва озуқадан бошқа яна не даркор! Сўргич тиллами, елимми ёки темирми, унга фарқи борми?

— Қизини узатган дугонаман яқинда набирали бўлди, — дейди Тошкент шаҳрида яшовчи Каромат Абдуллаева. — Қовурдоқ, бешик тўйи учун бир йилдан буюн йиғинади. Ҳаммасини тўғриладим деганда, аёл қуда "Чақалоқнинг сарпосида тилла сўргич ҳам бўлсин!", деган талабни қўйибди. Агар қўлидан келса, имконияти бўлса, бувилар набирасидан ҳеч нарсани аямайди. Аммо камдаромад оила учун бу истак ортикча.

Бунга ким айбдор? Қуда томонми ёки уларнинг раъйини қайтаролмаган дугонами? Ижтимоий тармоқда ўқиб қолганим — бундай ҳолатларнинг фожеа билан яқунлинишига яна бир далилдир.

"Яқинда эндигина эллика кирган бир акани тупроққа қўйдик. Ичагида яраси бор экан. Шу очилиб кетибди. Бироқ марҳум шифохонага бормаган.

— Нега шифохонага олиб бормадингиз? — дедим хайрон бўлиб.

Аёли ерга қарайди, болалари онасига хўмрайди. Бир амаллаб масаланинг тагига етдим.

Ака яқинда набирали бўлибди. Тўнғич қизи ўғилли бўлиб, шунга бешик олиб бориши керак экан. Бешик тўйининг харажати катта. Агар мен касалхонага тушиб қолсам, тўй беролмай қоламан, деб ота шўрлик шифохонага бормаган ва бир ҳафта давомидан қон туфлаб юраверган".

1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тadbирлар ўтказишни тартибга солишга оид фармони қабул қилинган эди. Унда оилавий тантаналарни ўтказишда ортикча дабдабага, шурхатпарастликка йўл қўйилаётгани рўй-рост баён этилиб, бунга қарши курашишда кенг жамоатчиликнинг фаол бўлиши кўрсатилган. Аммо фармоннинг ижроси бугун қай ҳолатда? Юқоридики каби воқеалар нима сабабдан содир бўлмоқда?

Оилада эркак киши пул топгани билан, уни жой-жойига сарфлашда аёлнинг ҳиссаси катта. Оқила уй бекаси бор маблағни тежаб-тергаб, энг зарурий эҳтиётларга ишлатади. Тежамкор аёл ортиқча сарф-харажат ва исрофгарчиликка йўл қўймайди. Аммо орзу-ҳавасни ҳар недан устун деб билувчи айрим аёллар ўзлари ўйлаб топган энг "сўнгги" урф-одатларни деб оила бюджетига зарар етказганини англамайди. Агар ўзи қийналиб пул топса, ҳар бир сўмни ўйлаб, етти ўлчаб ишлатган бўлармиди?

Ривоят. Қадим замонада оила раҳбари бўлган эр минг машаққат билан тоғдан ўтин териб келар, хотини эса ўтинларни бир зумда қўни-қўшниларга тарқатиб юборар экан.

Siz nima deysiz?

Эр хотинининг бу қилиғига чидай олмабди. Бир сафар ўтин йиғиш учун уни ҳам олиб борибди. Бир амаллаб икки бош ўтин тўплашибди. Ортмоқлаб қишлоққа келишибди. Аёл машаққатдан қора терга ботибди. Роса чарчабди. Ўтин териб келтириш қанчалик мушкул эканини шундагина англабди. Эртаси кўни қўшнилар яна ўтин сўраб келишганда аёл: "Эй қўшнилар, ўтин бера олмайман, ўтин керак бўлса, мен каби ўзларинг териб келинлар" деган экан.

— Бешик тўйидаги беҳуда олдибердилар туфайли нафақат қуда-анда, балки кўлаб оилаларда ҳам ўзаро зиддият пайдо бўлади, — дейди Тўйтепа шаҳрида яшовчи маҳалла фаоли Хайринисо Шарипова. — Маҳалла фуқаролари йиғини аъзолари неча бор тушунтириб, турли тadbир олиб бориши керак экан. Бешик тўйининг харажати катта. Агар мен касалхонага тушиб қолсам, тўй беролмай қоламан, деб ота шўрлик шифохонага бормаган ва бир ҳафта давомидан қон туфлаб юраверган".

1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тadbирлар ўтказишни тартибга солишга оид фармони қабул қилинган эди. Унда оилавий тантаналарни ўтказишда ортикча дабдабага, шурхатпарастликка йўл қўйилаётгани рўй-рост баён этилиб, бунга қарши курашишда кенг жамоатчиликнинг фаол бўлиши кўрсатилган. Аммо фармоннинг ижроси бугун қай ҳолатда? Юқоридики каби воқеалар нима сабабдан содир бўлмоқда?

Минг машаққат билан топаётган маблағимизни бировларнинг хайрати, ҳаваси ёки ҳасадини келтириб, кечагина дунёга келган фарзандимизга тилла сўргич олиб беришга эмас, балки дилбандимизнинг соғлом ўсиши, пухта билим олиб, баркамол инсон бўлиши учун сарфлаганимиз афзал эмасми?

Райхона ХҲЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Фарзандларимиз онги ва қалбига бола-ликдан замонавий bilim ва қадриятлар синдириб борилса, келажакда улар баркамол шахс бўлиб улғаяди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда мактабгача таълим тизimini янада такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Маҳалламизга боғча керак



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори барча соҳа ходимлари ва ота-оналарни беҳад қувонтирди. Шу билан бирга олдимизга улкан вазифалар қўйди. Қарорда мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилаётган айрим камчиликлар таъкидланган.

Анджон вилоятида ҳам мактабгача ёшдаги болаларни МТМга қамраб олиш даражаси қониқарли деб бўлмайди. Мисол учун, Булоқбоши туманидаги Чақар қишлоғида 3600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар бир неча йиллардан бери қишлоғида МТМ бўлишини орзу қилишади. Кўплаб ота-оналар тегинчи давлат идораларига янги МТМ қуриш ёки мослаштирилган боғча барпо этиш борасида мурожаат этиб келишади.

Худуддаги 31-мактабнинг замонавий янги ўқув биноси барпо этилган, эскиридан фойдаланилмаётган эди. Қишлоқ аҳли ана шу бинодан мослаштирилган боғча сифатида фойдаланиш борасида туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлимига бир неча бор мурожаат қилди. Аммо натижа бўлмади.

— Қишлоғимизда МТМ йўқлиги туфайли ота-оналар мактабгача ёшдаги болаларини 3-4 километр олисда жойлашган кўшни Тўғрисувдаги 21-МТМга ёки туман марказидаги 5-МТМга олиб боришга мажбур бўлмоқда. Ёз кунлари-ку бир нави, аммо киш-қировли кунларда масофанинг узқоқлиги ота-оналарга муаммо туғдиради, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуманноб Абдуллаев. — Бунинг натижасида боғчага кечикиб бориш ҳолатлари учрамоқда.

Айни ҳолат 5-МТМ ходимларига ҳам ноқулайлик туғдирмоқда.

— Боғчамиз 140 ўринли бўлиб, ҳозир 7 гуруҳда 165 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди катта тарбиячи Маҳбуба Юсупова. — Масофа узқоқлиги боис кўплаб тарбияланувчиларимиз кечикиб келади. Айниқса, қиш кунлари транспорт камчилигида уйларига қайтишга қийналишади. Бу ёқда биз ҳам тавшишда ўтирамиз. Эсон-омон этиб олишдимикан, деб хавотирланамиз.

Муаммога ечим излаб, қишлоқнинг Мурувват кўчасида истиқомат қилувчи Файзулло Исмолов бир гуруҳ ота-оналар номидан Президентнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилди. Натижада туман халқ таълими бўлими мудири А.Тошхўжаев яқин кунларда қишлоқда 5-МТМнинг филиали ташкил этилишини маълум қилган. Ҳозирча бирор-бир амалий иш бошланмаган бўлса-да, чақарлик ота-оналар мурожаати кўриб чиқилганидан мамнун, янги боғча иш бошлашини умид билан кутишмоқда.

Умида ЭГАМБЕРДИЕВА,
халқ таълими фахрийси

“Қишлоғимизда спорт тўғараги йўқ”

Рио олимпиадасида спортчиларимизнинг иштироки, айниқса, боксчиларимиз кўлга киритган ғалабалар 7 ёшли Сардорни боксга ошурфта қилиб қўйди. У туну кун бокс билан шуғулланиш, Ҳасанбой Дўсматов, Фазлиддин Ғойибназаров, Шахрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев каби чемпионларнинг муносиб издоши бўлиш ҳақида орзу қиларди. Аммо қишлоқда спорт секцияси йўқ, бокс билан шуғулланиш учун туман марказига бориш керак. Бу — ориқча чиқим.

“Спорт билан шуғулланиб, дунё ареналарида Ўзбекистон байроғини юқорига кўтараман” дея астойдил интилган иқтидорли йигит-қизларимиз баъзан ана шундай муаммо ва камчиликлар натижасида маҳоратини ошира олмай қолиб кетади. Мустақиллик йилларида кўплаб спорт мактаблари ва майдонлари қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса-да, бундай имконият Сардор каби чекка-чекка қишлоқ ёшлари учун орзу бўлиб қолмоқда. Чекка худудларда истиқомат қилаётган болалар эса ҳали-ҳамон бундай иншоотларга орзуманд, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун, афсуски, шароит етарли эмас.

— Ўғлим Шерзод Учқўприк туманидаги 18-умумтаълим мактабида ўқийди, — дейди Феруза Маҳмудова. — Бокс деса ўзини томдан ташлайди. Лекин қишлоғимиз — Тошкентлигузарда спорт билан шуғулланиш учун шароит йўқ, тўғарақлар очилмаган. Фарзандимизнинг қизиқиши ва интилишини “ўлдириб” қўймайлик, дея уни Кўқон шахридаги 1-болалар ва ўсмир-

лар спорт мактаби бокс тўғарағига бердик. Қизим Фазилат ҳам туман марказидаги болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфига боради. Опа-ука дарсдан сўнг икита транспорт алмаштириб,

Bugunning gapi

тўғаракка қатнайди. Баъзан машғулотлар чўзилиб кетса, улар кеч қайтишади. Нима қилиш керак? Қуз кунлари бир тутам, киш фаслида эса бир хавотиримизга ўн хавотир қўшилади. Хуллас, фарзандларимизнинг истиқомат жойимиздан узқоққа қатнаши бизга анча ноқулайлик туғдиради. Мутасадди ташкилот раҳбарлари олди-га спорт секциясини очиб масаласини қўйдик, натижа бўлмади. Тўғри, ҳамма қишлоқда ҳам мусика ва спорт мактаблари очилиши имкони йўқ, буни тушунаемиз. Аммо болалар ота-онаси бағридан узқоқлашмай, спорт секцияларига жалб қилинишини иштаймиз.

Бувайда туманидаги Кўтарма қишлоғи аҳолиси ҳам фарзанд-

ларининг спорт билан шуғулланишини иштайди. Касб-ҳунар ўргатувчи тўғарақлар очилса, қани эди! Қишлоқда яшовчи Қумушой Имомалиева фикрларини тинглаб кўрайлик-чи:

— Ўғлим Шаҳзод туман марказидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши секциясига қатнайди. Туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда совриндор бўлди.

Қишлоқ ёшларининг дарсдан кейин қаерга боришни билмай, бекор юришини кўриб, “Эссиз вақт, эссиз ёшлик!” деб афсусланаман. Иқтидорли ўғил-қизлар жуда кўп. Улар касб-ҳунар ўрганишга иштиёқманд. Маҳаллий ҳокимият органлари ёшлар хоҳиш-иродасини ўрганиши учун сўровнома ўтказиб, шунга кўра шарт-шароит яратса, биз ота-оналарнинг кўнгли тўқ бўлар эди.

Ўғил-қизлар салоҳиятини юксалтириш — давр талабидир. Номлари зикр этилган қишлоқлардаги ҳолат бошқа жойларда ҳам кузатилади. Жорий “Халқ билан мuloqot ва инсон манфаатлари йили”да бундай муаммоларни кўтариб, уни бар-тараф этиш учун барча бирдек ҳаракат қилиши лозим.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Муштарак мақсад сари

Поп туманидаги “Хонобод ўрта” маҳалласидаги 882 оиланинг 1180 нафар ўғил-қизи шу худуддаги 19- ва 66-умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олишади. Таълим муассасаларида ўқувчиларга пухта bilim бериш билан бирга, маънавий оламни бойитиш, ақлан ва рухан етук улғайишларига ҳам жиддий эътибор берилади. Мана шу масъулиятли вазифа 19-мактаб ва “Хонобод ўрта” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳамжиҳатликда bajarилмоқда.

— “Оила-маҳалла-мактаб” концепцияси бўйича 19-мактаб билан бажариладиган ишлар режаси тузилган, — дейди “Хонобод ўрта” МФЙ раиси Мақсудали Рўзиев. — Биз биринчи галда оилалардаги тинчлик ва тотувликни таъминлашга эътибор беряпмиз. Чунки, оила нотинч бўлса, бу ўша хонадонда улғаяётган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабаб, маҳаллада ўқувчилар ва ота-оналар иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиб тураемиз. Тадбирлар мавзуси ранг-баранг. Маънавий етукликдан бошлаб, диний ақидарапарастлик ва экстремизмга қарши кураш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, миллий менталитетимизга ёт “оммавий маданият” хуржларига қарши кураш каби мавзуларда устоз-педагоглар, меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, олимлар ва ижодкорлар чиқишларини тез-тез уюштириб тураемиз.

Маҳалла ёшларининг спортга ҳам қизиқиши катта. Маҳалла худудида хусусий тадбиркор ҳомийлигида қурилган стадион ва спорт мажмуаси ёшлар билан доимо гажув. Бу ерда ёшлар миллий ва шарқ жанговар кураши сирларини ўрганишлари, футбол, баскетбол ва бокс каби спорт

турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит мавжуд. МФЙ қошидаги ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси Ҳасанбой Рўзиматов, спорт мураббийлари Тоҳиржон Қўнишев ва Жасур Усмоновлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган мусобақалар жуда фаол ва қизғин руҳда ўтмоқда.

Маҳалла ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги самара бермоқда. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка барҳам берилган. Ўтган давр мобайнида бирон ўқувчи ёки ўсмир иштирокида қўнғилсиз воқеа содир этилмади.

Oila — mahalla — maktab hamkorligi

— Мактаб ўқувчилари орасида китобхонлик маданиятини ва китоб мутолаасини кучайтириш мақсадида bilim маскани ва маҳаллада “Энг китобхон ўқувчи” ва “Энг китобхон оила” танловлари ташкил этилди, — дейди мактаб директори Гулбахор Қуролова. — Танлов жуда қизиқарли ва таъсирчан руҳда ўтди. Ҳатто, катта ёшдаги бобо ва бувижонлар ҳам неварачевараларига ўзлари ўқиган бадиий асарлар ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришди. Асар қаҳрамонларининг ижобий фазилатларидан ибрат олиш кераклигини уқтиришди. Хар пайшанба — профилактика кунлари фаоллар билан биргамиз. Агар бирон оилада нотинчлик, қўнғилсизлик юз берса (odatда бундай ҳолатлар деярли бўлмайди), ҳамжиҳатликда ўша хонадонга ёрдам беришга интиламиз.

Демак, 19-мактаб билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган “Хонобод ўрта” маҳалласида бундай хайрли ишлар келгусида ҳам давом этиши аниқ. Чунки муштарак мақсад сари интилиш ҳар икки томонга ҳам манфаатлидир.

Ғанишер АҚБАРОВ,
“Ma'rifat” мухбири

2017-yil 7-oktabr, № 80 (9041)

21-oktabr — "Davlat tili haqida"gi qonun qabul qilingan kun

Инсоннинг дунёқарши, маданияти, маънавияти ўз тилида акс этади. Шу боис қадим замонлардан тил миллат мавжудлигининг рамзий белгиси саналади.

Тарихнавис Муҳаммад Хайдар "Тарихи Рашидий" асарида буюк жаҳонгир Амир Темурнинг давлат ҳужжатларини туркий тилда юритишга алоҳида эътибор берганини таъкидлайди. Соҳибқироннинг миллат тилига муносабатини айна пайтда Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланаётган, туркий тилда битилган 1391 йилги Тўхтамишхонга қарши юриши тарихи ҳам исботлайди.

билан ўзбек тили ilk марабала расмий тил макomini олди, истъомол доираси кенгайди, тил муаммолари билан шуғулланувчи махсус мактаб ташкил этилди. Мамлакатда барча соҳада бўлгани каби тил сиёсати борасида ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди.

1989 йил. Ҳали мустабид тузум тугаб битмаган пайтлар. Барча соҳаларда иш юритиш рус тилида олиб бориладиган, аҳоли рус ти-

да яқдил фикрни айтган эди: "...она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, мамлакатимизнинг жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллаш борасида қулай имкониятлар яратиш каби бир-биридан муҳим вазифалар бу масалани кечиктирмасдан ҳал қилишни талаб этар эди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу масала қанчалик ўткир бўлмасин, биз уни ечишда ортиқча

лаш ҳақида"ги қарори асосида ҳаётга татбиқ этилди.

Ўтган йиллар ораллиғида бу ишларимиз босқичма-босқич, тадрижий амалга оширилгани маънавий ҳаётимизда муҳим из қолдирди. 1989 йилдан 1998 йилгача тил сиёсати борасида ташкилий ишлар амалга оширилган бўлса, 1998 йилдан сифатга — тил маданиятини оширишга эътибор кучайди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури яратилди, мактабларда она тили ўқув фанининг мазмуни, мақса-

уйғундир. Биринчи Президентимиз "Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақдор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим. Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади" деб айтган эди. Фаолияти давомида "...ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликини, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз" деган гоани илгари сурган раҳбарнинг миллат тили ва адабиётини ҳар томонлама ўрганиш, унинг истиқболи учун кенг имкониятлар яратиш беришга хизмат қилувчи Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисидаги тарихий ҳужжатни имзолаши она тилимизни кенг ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш ишларини янги босқичга кўтарди. Университетни ташкил этиш тўғрисидаги фармонда асосий мақсад: "Бугунги глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетақдор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори маалакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш" экани таъкидланади.

Ислом Каримовнинг "Ўзликини англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намойён бўлади. Жамми эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир" деган жумлалари бугунги кунда Алишер Навоийнинг "Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз", Абдулла Авлонийнинг "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнача ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур" сингари ўғитларига ҳамохангдир.

Башорат БАҲРИДИНОВА,
филология фанлари
номзоди

Тил — миллат руҳи

Алишер Навоий форс тилида ўлмас асарлар ёзиб, араб тилини "руҳни яйратувчи бог", "фасоҳат йўсини билан мумтоз ва бадиият зийнати билан мўъжиза живлантирувчи" деб алқаб, уларнинг мавқеига дахл қилмаган ҳолда, ilk марта туркий тилининг бошқа тиллардан қолиш-майдиган жозибасини шу тилда яратилган нодир асарлари билан исботлаб берди. "Муҳокаматул-луғатайн" асарида туркий тилининг форс тилидан тез-фаҳрроқ, софроқ ва покроқ эканини, тафовутлар икки тилни қиёслагандагина кўзга ташланишини шунчаки санаб ўтмади, балки бир неча мисоллар билан илмий далиллади. Энг йирик асари "Хамса"ни туркий тилда яратди. Бобур таъкидлаганидек, бу тилда "кўп ва хўб" ижод қилди. Ижодкорлар орасида туркий ўйлар кўпайди. Бундай саъй-ҳаракатлар ўзбек тилининг адабий тил даражасига кўтарилишида муҳим роль ўйнади. Захриддин Муҳаммад Бобур эса ўз даври аъналарига хилоф равишда фикрга доир йирик асари "Мубайин"ни, арузга оид "Муфассал" асарини туркий тилда би-тади, ҳатто туркий ёзув — "Хатти Бобурий"ни яратади.

Ўтган аср бошларида Абдурауф Фитрат она тилимизга расмий мақом бериш масаласини кўндаланг қўйди. Бироқ сиёсий нотинчлик, қатагон, зиёлиларга қарши ҳаракатлар авж олган ўша даврда миллий тил ҳақида оғиз очиб "миллатчи" тамғасини олиш учун етарлича асос эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини Ислом Каримовнинг ташаббуси, ғайрат-шижоати

лини билиш-билмаслигига кўра зиёли ёки қоқоқ гуруҳларга ажратиладиган, она тилимизнинг қўлланиш соҳада бўлгани каби тил сиёсати борасида ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди.

1991 йилнинг 31 августи. Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шу муносабат билан сўзлаган тарихий нутқида Ислом Каримов истиқлол арафасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар экан: "Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда ҳал этиб, етилган масалаларни ечишда Иттифоқ идораларидан олдин бора-реямиз. Бу хусусда марказдагиларнинг бирортаси ҳам бизни оқлишга қабул қилаётгани йўқ. Аксинча, гўё бу — Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчилиги деб ҳисоблашди", дейди. Она тилига, миллий кадриятларга муҳаббат у кишига ана шундай қалтис вазиятда куч-қувват, жасорат берган эди.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида Ислом Каримов ягона алифбони яратиш хусуси-

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида Ислом Каримов ягона алифбони яратиш хусусида яқдил фикрни айтган эди: "...она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, мамлакатимизнинг жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллаш борасида қулай имкониятлар яратиш каби бир-биридан муҳим вазифалар бу масалани кечиктирмасдан ҳал қилишни талаб этар эди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу масала қанчалик ўткир бўлмасин, биз уни ечишда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, илмий асосда, ҳар томонлама ўйлаб, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб иш тутдик. Шу мақсадда 1993 йил 2 сентябрда юртимизда "Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди".

асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

1995 йили ўзбек тилининг янги алифбодига илмий меъёрларини белгилаб берувчи имло қоидалари ишлаб чиқилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқ-

ди ва таълим усули янгиланди. 1998-1999 ўқув йилида Республикада она тилидан тажриба-синов дастури эълон қилинди. Йил ўтиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан 1999-2000 ўқув йилидан қонун тўла-тўқис таълим тизими жорий этилди. "Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир", деб таъкидлаган эди Ислом Каримов.

Бугун тилшунослиқда тилни ўз соҳиби билан биргаллашиб ўрганиш методологияси етакчи. Тилда миллий маданият акс этади. Шу боис тил ўзининг ҳақиқий талқинини ўзи мансуб миллат маданияти ва менталитети билан муштарак ҳолда ўргангандагина топади. Ўзбек тилшунослигининг янги парадигмаси олдида турган ушбу вазифалар Ислом Каримовнинг она тилимиздан амалий фойдаланиш самарадорлигига эришиш, ўзбек тилининг замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида қўлланиш доирасини кенгайтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлари билан

Бирор жойимиз оғриси ёки теримизда қандайдир тошмалар пайдо бўлса, бунга кўпинча аҳамият бермаймиз. Айрим ҳолларда, аллергияга қарши ёки оғриқ қолдирувчи дорилар билан чекланамиз, аммо унинг юзага келиш сабаблари билан қизиқиб кўрмаймиз. Аслида танамизда рўй бераётган ҳар бир ўзгариш — бу организмимизнинг бизга юборган хабари ҳисобланади.

Инсон миёси: афсона ва ҳақиқатлар

Бундай мулоқот мия орқали амалга оширилади ва бошқарилади. Инсон миёси муҳамал ва мураккаб тузилишга эга муҳим орган бўлиб, уни танадаги жами аъзолар ҳаракатини бошқариб турувчи дирижёрга ўхшатиш мумкин. Мия ҳар бир аъзо фаолиятини назорат қилиб, тартибга солади.

Эттибор берган бўлсангиз, кўплаб касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари асаб билан боғлиқ. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки асосий орган фаолияти издан чиққач, бунинг таъсири бошқа аъзоларда ҳам ўз аксини топади. Танамиздаги барча аъзолар бир-бири билан узвий боғлангани сабабли бир касаллик иккинчисини етаклаб юради.

“Ҳозиржавоб” орган. Асаб толалари орқали миёга етиб борадиган ва ундан чиқадиган сигналлар тезлиги соатиға 288 км.ни ташкил этади. Бу эса тез ҳаракатланадиган спорт машинаси тезлиги билан баробар демак. Бу қачон намоён бўлади?

Дейлик, иссиқ дазмолга кўл теккиздингиз. Бармоқдаги асаб толалари ҳароратнинг юқорилиги ҳақида бош миёга сигнал юборади. Бу ахборот бош миёда таҳлил қилинади ва кўйиб қолмаслик учун кўлни дазмолдан тортиб олиш кераклиги ҳақидаги жавоб импульси ҳосил бўлади. Мия бу сигнални асаб толаларига узатади. Натижада инсонда “дазмол иссиқ”, деган фикр пайдо бўлади ва ўша захотиёҳ кўлни дазмолдан тортиб олади. Бу жараён амалга ошганига қадар атиги 1-2 сония вақт ўтади, холос.

У “нафас олади”. Оғирлиги ўртача бир янғир килога тенг инсон миёси тананинг атиги 2 фоизини ташкил этсада, бошқа аъзоларга қараганда кўпроқ кислород ютади. У организмдаги мавжуд 20 фоиз кислородни “истеъмол қилади”. Бунда инсондор ҳосил қилувчи манба вазифасини глюкоза бажарса, қон кислород ташувчи ҳисобланади. Қонда кислород микдори кам бўлиши, миёнинг қон билан таъминланиши бузилиши гипоксия, яъни кислород етишмовчилиги касаллиги деб аталади.

Гипоксиянинг сурункали тури тез чарчаш, иш самардорлигининг пасайиши каби белгилар орқали юзага келса, ўткир гипоксия бирдангива ривожланади. Унинг асоратларидан бири кома бўлса, охири ўлимгача олиб бориши мумкин. Шу сабабли, бу унсур миёнинг нормал фаолияти учун муҳим омил ҳисобланади.

Асаб ҳужайралари тикланади. Инсон миёси 100 миллиард нейронлар — асаб толаларидан иборат. Бу кўрсаткич ер сайёрасидаги жами инсонлар сонидан 16 марта кўп демакдир. Асаб толалари миёга нерв импульсларини жўнатади ва миёнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлайди. Нейронларни маълумотлар узатувчи ва қабул қилувчи тармоққа ўхшатиш мумкин. Уларда ахборотлар турлича тезликда узатилади. Бу тезлик секундига 0,5 дан 120 метрга балиши мумкин.

Олимлар яқин-яқингача асаб толалари ўсмайди ва тикланмайди, деб ҳисоблаб келганлар. Ҳозирга келиб бунинг акси экани, яъни асаб толалари инсон умрининг охиригача ўсишда давом этиши исботланди. Мазкур изланишлар натижаси мия ва унинг хасталиклари билан боғлиқ кўп муаммоларни ечишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

У қанча энергия “истеъмол” қилади? Миёнинг тўлақонли фаолияти учун узлуksиз энергия талаб этилади. Моддалар алмашинуви жараёнида



Bilasizmi?

организмда ҳосил бўладиган энергиянинг 20 фоизи мия фаолияти учун сарф бўлади. Ҳатто инсон ухлаётганида ҳам мия энергия сарфлашдан тўхтамайди. У “истеъмол” қиладиган энергия қуввати 25 ватт бўлиб, бу энергия LED лампочкаларини қувватлантиришга этади.

Электр қуввати миёнинг нормал фаолиятини таъминлашга сарфланади. Улар ёрдамида асаб толалари импульсларни ҳосил қилади. Энергия юзага келишида ҳам глюкозанинг ўрни бекиёс. Ўртача 70 кг вазнли инсон миёси суткасиға 100 г глюкоза талаб этади. Ақлий меҳнат билан шугулланадиган инсон миёси жисмоний меҳнат қиладиганларга қараганда икки баробар кўп энергия сарфлайди. Шунингдек, сиқилиш, рухий тушкунлик чоғида миёнинг энергия сарфи 20—30 фоизга ортади. Шу боис одам, айниқса, асабийлашган пайти ширинликка эҳтиёж сезади. Мия шу йўл орқали йўқотилган энергия ўрнини қопламақчи бўлади.

Унга уйқу бегона. Инсон миёси кундузгига қараганда тунда фаолашади, яъни ухлаётган пайтимизда ҳам миёмиз уйғоқ бўлади. Бу ҳол эриш туюлиши мумкин, албатта. Чунки биз кундузи бетиним ҳаракатда бўламиз, ақлий меҳнат билан шугулланамиз. Турли масала ва вазиятлар устида бош қотирамиз. Тун эса организмимиз учун тиним пайти ҳисобланади. Калифорния университети олимларининг бу борадаги тажрибалари шуни кўрсатдики, миёмиз уйғоқ пайтимиздагига қараганда ухлаётган пайтимизда 7 баробар фаолроқ бўларкан.

Ҳўш, биз уйқуга гарқ бўлганимизда у нималар билан машғул бўлади? Бу пайтда миёмиз йўл қўйилган хатолар устида “ишлайди”, яъни нафақат кун давомидаги, балки умр давомидаги ахборотни қайта кўриб чиқади ва уларни таҳлил этади. Кўп ҳолларда бу жараён туш сифатида намоён бўлади. Барча соғлом одамлар ҳар ухлаганида албатта туш кўради, аммо кўпчилик кўрган тушини эслаб қолмайди, холос.

“Маълумотлар омбори”нинг сигими қанча? Мия йирик энциклопедияларга қараганда 5 баробар кўпроқ маълумотни ўз ичига сиғдира олади. Унинг ҳажмини компьютер тилига ўтисак, бу 3—1000 терабайтни ташкил этади. Таққослаш учун айтсак, 900 йиллик тарихга эга улкан Британия миллий архивининг ҳажми 70 терабайтга тенг.

Умуман, миёмиз бутун дунё интернет тармоғидаги жами маълумотларни ўз ичига қамраб оладиган даражада катта сигимга эга. Бундан кўриниб турибдики, инсон миёсининг имкониятлари чексиз. Атиги 25 ватт энергия ҳосилбига ишлайдиган бундай “биологик компьютер”га ҳеч бир замонавий технология тенг келолмаслигининг босиси ҳам шудир эҳтимол...

Нобъ “ўчирғич”. Миёга ахборотлар умуртқа канали орасида жойлашган орқа мия орқали етиб келади. Кўз ва кулоқлар орқали олиннадиган ахборотлар эса орқа миёни четлаб ўтиб, бош миёнинг ўзига етиб боради. Маълумотларни саралаб, тартиблай оладиган мия кераксиз ва ортиқча маълумотларни ўчириб, ўзини ўзи “тозалаш” хусусиятига эга.

Швециядаги Лунда университети тадқиқотчиларининг фикрича, унуттиш — бу эслай олмаслик, дегани эмас. Бунда сезиниш айбингиз йўқ. Миёда шундай бир механизм борки, у худди компьютер каби ўзидаги айрим воқеа-ҳодисаларни хотирадан ўчириб ташлайди.


У ҳам “чанқайди”. Инсон миёсининг 75 фоизи сувдан иборат. Демак, унинг тўлақонли ишлаши учун сувнинг аҳамияти катта. У энергия ишлаб чиқаришда, нерв импульсларини узатишда, ахборотни қайта ишлаш ва қабул қилиш жараёнида керак бўлади.

Сув — энергия ҳосил қилувчи икки асосий компонент — кислород ва глюкозанинг эритувчиси ҳамдир. У миёни электр энергияси билан таъминлайди.

шимиз мумкин. Дегидратация ақлий заифлиқни ривожлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Миёнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш билан Альгеймер, Паркинсон ва атеросклероз касалликларининг олдини олиш мумкин.

Организмдаги «иккинчи мия». Бу номга сазовор бўлган аъзо орқа мия ёки бетиним ишлайдиган юрак ҳам эмас. Ўзининг эгри-бугриллиги билан миёни эслатувчи ичкалар саналади. Унинг бундай ном олишиға фақат тузилиши жиҳатидан ўхшашиға сабаб эмас, албатта.

Колумбия университети олими Михалъ Гершоннинг фикрича, биринчи ва иккинчи мия бир-бирдан муста-



Сув ёрдамида мия фикрлаш ва маълумотларни ёдда сақлаш функцияларини бажаради. Агар сиз организмнинг сувга бўлган эҳтиёжини етарлича қондирисангиз, мия маълумотларни қабул қилиш, тартиблаш, ўйлаш каби вазифаларини жуда тез амалга оширади. Миёнинг сув билан етарлича таъминланиши болалар ва катталардаги парашонхотирлик ҳамда диққатни жамлай олмаслик касаллигига қарши энг яхши даво саналади.

Организмнинг сувсизланиши — дегидратацияга олиб келади. Бу ҳолатдан биринчи навбатда мия азият чекади. Миёнинг сувсизланиши бир неча белгилар орқали намоён бўлади. Булар — мия қарахлтиги, куннинг иккинчи ярмида чарқоқнинг зўрайиши, хотиранинг пасайиши, тушкунлик, жаҳлдорлик, рухий мувозанатнинг бузилиши, эҳчининг пасайиши ва ҳрқазо.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мия 1 фоиз сув йўқотганда, фикрлаш қобилияти 5 фоизга пасаяди. Бу ҳолатнинг мунтазам давом этиши мия ҳужайраларининг ҳажм ва сон жиҳатдан камайишига олиб келади. Бундай ўзгаришини кўпинча йиллар давомида кам сув истеъмол қилган кекса одамларда кўри-

қил автоном аъзолардир. Аммо улар доимий равишда бир-бири билан алоқада. Олим буни оддий мисол билан тушунтиради: имтиҳон ёки бирор муҳим иш олдидан ҳаяжонланганингизда ёки асабийлашганингизда қорнингизга оғриқ қиради. Мана шу узвий боғлиқлик орқали олим ичкаларнинг оддий аъзо эмаслигини исботламақчи бўлади. Унинг фикрича, ичкалар марказий асаб тизими буйруги остидан ишловчи тўқималар мажмуасигина эмас. Улар кўплаб мураккаб жараёнларни мустақил тарзда амалга оширувчи ўзига хос тармоқдир. Сабаби, организм бош ва орқа мия билан ўзаро алоқасини йўқотганда ҳам ичкалар ишлайверади.

Иккинчи миёнинг вазифаси ошқозон фаолияти ва ҳазм қилиш жараёнини бошқариш, таом турига қараб ошқозон шираси ажралишини назорат қилишдан иборат. Бундан ташқари, иккинчи мия худди бош миё каби махсус гормонлар ишлаб чиқариш хусусиятига ҳам эга. Шунингдек, ичкада миёдан ортқ турдаги бактериялар бўлиб, улар иммун тизимининг ривожланиши ва барқарорлиги учун муҳим роль ўйнайди.

Ҳақиқатми ёки афсона?

Ҳақиқат: одам ўзини ўзи қитиклаганда ҳеч нимани ҳис қилмайди. Чунки инсон ташқи таъсирларни сезмай қолмаслиги учун ҳам мия фаолияти шунга мослашган. У асосан ёт таъсирларни сезади ва ҳис қилади.

Афсона: инсон миёнинг атиги 10 фоизидангина фойдаланади. Аслида бунинг тексари — инсон бирор фаолият билан шугулланганда, ҳатто оддий мисол ишлаётганда ҳам миёнинг ҳамма бўлимлари сергакланади ва ишга киришади.

Ҳақиқат: эснаш тетиклаштиради. Одам кўпинча зерикканида ёки уйқуга тўймаганида эснайди. Эснаш орқали биз миёни кислород билан тўйинтирган бўламиз.

Афсона: мия ҳажми қанча катта бўлса, унинг эгаси шунча ақли бўлади. Аслида миёнинг катта-кичиклиги инсоннинг ақлий салоҳиятиға таъсир этмайди.

Ҳақиқат: спорт — мия фаолиятини яхшилайди. Спорт билан мунтазам шугулланиш миёдаги капилляр қон томирларга ижобий таъсир кўрсатади. Натижада, миёнинг кислород ва глюкоза билан таъминланиши ортади. Бундай инсонларнинг соғлиги кам ҳаракат қиладиганларга нисбатан мустаҳкам бўлади.

Афсона: ақлий меҳнат миёни чарчатади. Бу фикр ҳақиқатдан йироқ. Ақлий меҳнат давомида инсон миёсида салбий ўзгаришлар кuzатилмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон қанча вақт ақлий фаолият билан шугулланишидан қатъи назар, мия орқали оқиб ўтадиган қон таркиби ўзгармайди.

Кун бўйи жисмоний меҳнат билан машғул одамнинг қони текширилганда эса аксинча ҳолат кузатилган, яъни унинг қони таркибидан “чарқоқ токсинлари” топилган. Олимларнинг айтишича, ақлий меҳнат билан шугуллангандаги миёнинг чарчаш ҳолати фақат руҳий ҳолат бўлиб, бу асосан бизнинг ҳис-туйғуларимиз билан боғлиқ жараёндир.

Наргиза ШОДМОНОВА
тайёрлади.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
“ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ”
мавзусида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш
бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини****ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Мамлакатимизда Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, интилиши ва ҳаракатларида кўзга яққол ташланмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мана шу йўлда жонбозлик кўрсатиб, фидойиларча меҳнат қилаётган замондошларимизнинг бадиий мукамал образлари яратилишига ҳисса қўшиш, бугунги улуғвор бунёдкорлик ишларини тарих зарварақларига муҳрлаш, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, хусусан, ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида “ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ” мавзусида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини эълон қилади.

Ижтимоий буюртмалар бўйича яратиладиган ижодий ишлар учун қуйидаги талаблар кўзда тутилган:

— аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилиши билан боғлиқ бўлган масалалар, уй-жойга кўчиб кирилишида одамларнинг қувончи, узоқ йиллик орзу-умидларининг рўёбга чиқишини ёрқин бадиий бўёқларда ифодалаш;

— янги sanoat корхоналари қуриб битказилаётганлиги (масалан, Жиззах, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида жойлашган йирик нефтни қайта ишлаш заводлари қурилиши);

— республикада янгидан бунёд этилаётган кенг ва раvon йўллар, кўприклар, ер усти метро тармоқлари, сув иншоотларининг қурилиш жараёнлари;

— аҳолини арзон дори-дармонлар билан таъминлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар;

— тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар;

— амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари;

— “Халқ қабулхоналари — адолат қўргонлари” мавзусида фуқароларнинг фикрини ўрганиб, жойларда фаолият кўрсатаётган ижро органларининг халқ дардини тинглаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги иштироки;

— мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига этиш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш;

— ёшларимизни она юртга меҳр ва садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

— узоқ йиллар Ўзбекистонда яшаб, фуқаролиги бўлмаган, бугунги кунда паспорт олаётган ватандошларимиз қалбидаги чексиз фахр-ифтихор туйғулари, ҳис-ҳаяжонларининг бадиий ифодаси;

— ён қўшниларимиз бўлган давлатлар билан азалий қардошлик алоқаларининг қайта тикланиши;

— Республикада Ислom цивилизацияси марказининг барпо этилиши билан боғлиқ бўлган ишлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этувчи асарлар шулар жумласидан.

Буюртма берилган китоблар Агентлик тизимидаги нашриётлар қосида тузилган нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланиб, нашриётларнинг ижтимоий грантлари асосида чоп этилади ва муаллифларга белгиланган тартибда қалам ҳақи берилади.

Нашриётлар ва муаллифлар ўртасида тузиладиган шартномада ижтимоий грантлар асосида яратиладиган китоб учун қалам ҳақининг маълум қисмини олдиндан тўлаш ҳам кўзда тутилади.

Лойиҳада иштирок этишни хоҳловчилар диққатига!

Ижтимоий буюртмалар лойиҳасининг ташкилий ва ижодий жиҳатлари юзасидан Агентлик тизимидаги нашриётларга бевосита мурожаат қилишингиз ҳамда улар билан олдиндан шартнома тузиш тартибида лойиҳани бажаришга киришингиз мумкин!

Агентлик тизимидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйларининг манзили:

1. “Ўзбекистон” НМИУ — 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: (0-371) 244-87-55, 244-87-20. Факс: (0-371) 244-37-81, 244-38-10.

2. “Ўқитувчи” НМИУ — 100206, Тошкент шаҳри, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Тел.: (0-371) 224-10-77, 224-05-49. Факс: (0-371) 224-05-61.

3. Чўлпон номидаги НМИУ — 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: (0-371) 244-10-45. Факс: (0-371) 244-58-55.

4. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти — 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: (0-371) 244-34-38, 244-60-75, 244-07-47. Факс: (0-371) 244-24-91.

5. Гафур Фулом номидаги НМИУ — 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй. Тел.: (0-371) 241-19-28, 241-18-96. Факс: (0-371) 241-82-69.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти 2018 йил учун таянч докторантура (фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун) ва мустақил изланувчиликка ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таянч докторантурага 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент ҳамда 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича) — ихтисосликлари бўйича камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажини ёки аниқ илмий ютуққа (ихтиро учун патент ёки муаллифлик гувоҳнома-си) эга бўлган (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда) ҳамда мустақил изланувчиликка ушбу ихтисослик бўйича (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда) мутахассислар қабул қилинади.

Фалсафа доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун докторантурага кирувчи ҳамда мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

➢ ариза;

➢ қисқача биографик маълумотнома;

➢ меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

➢ олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

➢ нашр этилган илмий ишлар рўйхати (илмий журналларда чоп этилган камида битта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарларда, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис), шунингдек, уларнинг нусхалари;

➢ Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар;

➢ иш жойидан тавсифнома;

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар. Талабгорларда IELTS (ўртача бали камида 5,5), TOEFL(PBT) (567 балдан кам бўлмаган), TOEFL(IBT) (87 балдан кам бўлмаган), CEFR(B2 даражасидан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Ҳужжатлар 15 октябргача қабул қилинади.

Манзилик: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зий кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-371) 246-06-63.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш мақсадида 2017-2018 ўқув йили учун мактаб ошхонаси танлов асосида ижарага берилади. Ҳужжатлар мактабда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор Ц 17/18 даҳаси. Мурожаат учун тел.: 240-51-18.

Gurung

Койил

Биз гапни қойил қиламиз, бошқаларга қойил бўламиз, лекин **қойил** ўзи нима, маъноси қандай — суриштирмаймиз. **Қойил** сўзловчи дегани. Бу сўз аслида сўзамол одамга нисбатан ишлатилган. Гап билган **қойил**, иш билган **омил** аталган. Қойиллар ва омиллар баҳсида сўзамоллар устун келган чоғи, **омил** сўзи чекиниб, **қойил** сўзи голиб бўлди ва **омил**нинг худудларини эгаллади. Ишга устани ҳам **қойил** дейдиган бўлди. Иш билган ҳам **қойил** мақomini олди. **Қойилмақом** дейишимиз шундан.

Бу оламда қойилмақом ишлар кўп. Ёқа ушлаб, тавбалар дейсиз. Нашриётда муҳаррир бўлиб ишлардим. Бир шеърин баёзни босмаҳонага топширдик. Бир ой ўтиб терилган нусха — корректура келди. Не кўз билан кўрайликки, бирор саҳифа бехато ёзилмаган. Ҳарф терувчи ҳамма шеърларни ўзи тушунганча тўғрилаб чиққан. **Музофот мукофотга, мухаммас мусалласга, пеша тешага** айланган. Ҳаммасидан қизиги, бир газалхон шоиримизнинг, **Не муаттарликки бор, ул мушки анбардин келур**, деган сатрини **мушук омбордан келур**, дея ўзича тузатибди. Ўша харф терувчинин сўхбатга чақирдик. Хатоларини кўрсатдик. У эса уэр айтиш ўрнига биз билан баҳс қилишга тушди. «Мушук омбордан келади-да, бошқа қаердан келади» деб туриб олди. Биз сўзларнинг маъносини чақиб, қозокнинг тўққиз пулидек қилиб тушунтирганимиздан кейин ҳам хатосини бўйнига олмади, ўзимизни айбдор қилди. — Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да, — деди у бизга ва голибона қадам ташлаб чиқиб кетди.

Ўшанда биз иходкорлар, муҳаррирлар эмас, оддий харф терувчи устун чиқди. Унинг айтганлари ўша замоннинг сўзи эди. Йўқсил маданияти дея аталган дунёқарашнинг ифодаси эди. Биз ҳаммамиз насл-насабимизнинг уламо, мударрис ўтганини яшириб қашшоқ, батрак бўлган дея кечмишимизни улуглагандек, ёзган шеърларимизнинг оддийлиги, жўнлиги билан мақтанар эдик. Шоир учун энг буюк мақтов — шеърининг соддалиги ҳисобланарди. Етмиш йил ҳокимлик қилган бу сиёсат бошқа тиллар каби ўзбек тилини ҳам абгор қилди.

Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да! Қойил! Лисоний бойлик юз минглаб сўзларни ўз ичига олади. Лекин инсонга тириклик ўтказиш учун уч-тўрт минг сўзни билиш кифоя. Кўчада ўйнаб юрган гўдакнинг луғат бойлиги юзта сўздан ошмайди. Унга шу етарли. Уни ҳам қойил деймиз. Агар ўша қашшоқликка сиғиниш мафкураси яна эллик йил давом этса, сўз хазинамиз гўдакнинг луғат бойлигидек бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Жаҳолатнинг энг олий даражаси нодонлик билан ғурурланишдир. Куръонни танимаслик, тасаввуфни англамаслик, мумтоз шеърятни уқмаслик, тарихимизнинг улугвор саҳифаларини тан олмаслик, халқ қадриятларини билмаслик ва бу билан гердайиш ҳар бир коммунист учун фарз эди, юсак мартабаларга кўтарилишнинг раво йўли эди. Бундай кўз қарашни юрагига жо қилган кишилар ҳозир ҳам бор. Қулликка кўнган ва кўниккан бу тоифа кечмишни соғинадилар, эгаллаган

ўриндикларини қумсайдилар. Уларга ҳам қойилмиз.

Айтар сўзни айтдим. Яна нима демоқчи эдим? Дарвоқе, гап орасида қозокнинг тўққиз пулидай, деган ибора тилга олинди. Тўққиз пул нима эканини ёши улуг кишилар билишади. Билмаганлар билиб қўйса ёмон бўлмас.

Авалло **пул** ўзи нима? Луғатларда **пул** юнонча сўз дейилган. **Тийин** маъносида. Форс тилида бу сўз **кўприк** демакдир. Ажабки, юнонча **пул** билан форсча **пулнинг** мазмуни туташ. **Кўприк** қирғоқларни туташтирса, **пул** инсонларни туташтиради.

Юртимизда пул муомаласи тарихи жуда қадим замонларга бориб етади. Соҳибқирон бобомиз зарб қилдирган олтин тангалар дунё саҳнида ҳозирги доллар, евро каби қудратга эга бўлган. Танга Россияга бориб **деньги** бўлди, олтин **алтын** шаклига кириб пул бирлигига айланди. Қарангки, рус тангалари олтин эмас, қумушдан, қумуш аралашмасидан, бора-бора мисдан зарб этилиб, қадри тўққиз пулга тушганда ҳам номи **алтын** бўлиб қолаверди. Энг қадрсиз нарсаси **тўққиз пулга қиммат** дейилганидек, руслар, **ни алтына нет**, деб қуруқ чўнтакни айтадиган бўлдилар.

Қозок тўғри ва содда халқ эмасми, сартчалик, ё ўзбекчалик савдога уста бўлмаган. Бухорода зарб қилинган турли-туман тангаларнинг ўлчовини кўпинча англамай, савдони жўнгина русча пул ҳисобида қилган. Русларнинг **грош** дегани **уч пул**, **алтын** дегани **тўққиз пул** бўлган. Шу сабабдан оддий тушунарли нарсани қозокнинг тўққиз пулидай, дейилади. Ажабки, бундай пул бирликларининг йўқ бўлиб кетганига юз йилдан ошса ҳам маталга айланган ибора ҳали тирик. Ҳикматли Сўзнинг умрбоқийлигига қойил бўлмай илож йўқ.

Сўзни Ҳазрат Навоий сатрлари билан тугатгим келади. Улуг устоз пул сўзининг ҳар икки маъносини истифода этганлар.

**Кирпик эрмаским,
Навоий ўтгай ул чобук дебон,
Кўз қаро суйига боғлайдур
қамишлар бирла пул.**

Яъни кўз ёшим бамисоли оқиб келган сел, тошқин қора сув. Севғилим бу сойда фарқ бўлмасин дея киприкларимни қамиш қилиб кўприк солдим. Гўзал ташбеҳ, беқийёс муболага!

«Сабъаи сайёр»да нўноқ котиблар устида сўз бораркан, улар учун китобат санъатидан кўра моддий манфаат юқори туриши шундай тасвирланган:

**Қора пул узра можаро қилса,
Юзидек сафҳани қаро қилса...**

Қора пул бу ўринда арзимас чақа маъносида келган. Қора чақа учун қоғозни қора қилувчи хатот қоғозни эмас ўз юзини қора қилади. Инсонни икки дунё бахту саодатига олиб борувчи йўл — сироти мустақим, ҳақиқат кўприги орқали ўтгувчи шарият йўлидир. Бу пулдан, яъни кўприқдан ўтмай жаннатга киролмасан.

**Сироти мустақим ўлди шарият,
Ки, жаннат топмоғунг ўтмай
бу пулдин.**

Ҳазратнинг ушбу байти ила **қойил** сўзи ҳақидаги сўзга нуқта қўйдик.

(Эркин Воҳидовнинг

«Сўз латофати» китобидан.)

Алишер НАВОИЙ

*Мени мен истаган ўз сўхбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сўхбатин кўнглум писанд этмас.*

*Не бахра топқамен андинки, мендин истагай бахра,
Чу улким, бахраи андин тилармен, бахраманд этмас.*

*Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул захр чаим айлаб, ниҳон бу кўшханд этмас.*

*Керакмас ой ила кун шакликим, хусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.*

*Керак ўз чобуки қотилваши мажнун ширимким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.*

*Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйунгга каманд этмас.*

*Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

Муваффақият калити

Ўқишда муваффақият қозонини учун одам ундан илгарилар кетганларга етиб олишга, орқадан келаётганлар эса унга етолмаслигига ҳаракат қилиши керак.

Аристотель

Муваффақиятга эрта тонг турадиган одам эмас, эрта тонгдан яхши кайфиятда турадиган одам эришади.

Марсель Ашар

Муваффақиятга эришишнинг энг зўр усули — бошқаларга берадиган маслаҳатларингга ўзинг ҳам амал қилишингдир.

Гаролд Тейлор

Муваффақият чўққисига етгач, энг оғир нарсаси — у ерда аллақачон кимдир турганини биришдир.

Марк Твен

Катта ёшда муваффақиятга эришмаган одам мактаб давридаги ютуқлари билан мақтанади.

Ф. Ф. Селиванов

Юзга кирсанг, юз йил ўқис

Ўзбек халқ мақоллари

Пазанданинг гўжасидан ош чиқар,
Ношуднинг паловидан мош чиқар.

Панд егувчи бўлсанг, бўл,
Панд бергувчи бўлма.

Саҳрода янтоқ ҳам дарахт кўринар.

Талабинг бўлмаса-да, талабгоринг бўлсин.

Узоқ чайнасанг,
Узоқ яшайсан.

Фарзанд кўрдигини, кўчат эк.

Ҳасидан тухум олсанг, сариғи чиқмас.

Хушхулқлик — жамол,
Камтарлик — камол.

Яхшига — ишорат, ёмонга — калтақ.

Ҳиммати йўқнинг хурмати йўқ.

Юзга кирсанг, юз йил ўқис.

2017-yil 7-oktabr, № 80 (9041)

Рўзиқул БЕРДИЕВ:

«Иқтидорли ёшларга имкон бериш мураббийнинг яхши фазилати»

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига клублари орасида Қаршининг "Насаф" жамоаси ўз ўрни ва нуфузига эга. Бу жамоага тажрибали, фидойи мутахассис Рўзиқул Бердиев бош мураббийлик қилади. Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида бу мутахассис "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан тақдирланди.

— Мухлислар "Насаф" клуби ҳақида гап кетганда, уни ўзига хос жамоа дейишди.

— Кўз тегмасин, жамоамиз анчадан буён ҳам барқарор, ҳам чиройли ўйин намойиш этиб келяпти. Бу табиийки, мухлисларга манзур бўлади. "Насаф"нинг ўзига хослиги ўз кучига бўлган ишончи ва охиригача курашишида бўлса керак. Шу боис "Насаф"ни айни кез нафақат Қашқадарёда, балки пойтахту водийда ҳам ҳурмат қилади-ганлар кўп. Биз бир оилага айланиб, бир гоё — ғалаба учун бирлашамиз. Жамоамиз ҳар йили юқори ўринларни эгаллаш учун ҳаракат қилади. Шогирдларимга мана шу интилиш жамоамизнинг «характери» эканини уқтираман. Бу эса бизни тинимсиз изланиш ва меҳнатга ундайди.

— Сиз, мана, бир неча йилдирки, иқтидорли ёшларни, хусусан, клуб тарбияланувчиларини жамоага жалб этиб, клуб мактаби нуфузи ўсишига ҳисса қўшяпсиз. Бу борада Юрий Саркисяндан кейин кўпчилик сизни эътироф этади. Айтинг-чи, ҳали



тажрибаси етарли бўлмаган, катта ўйинларни кўриб кўзи пишмаган ёшларни асосий таркибга киритишда қайси омилларга таянасиз?

— Бунда уларнинг иқтидорига, меҳнатдан қочмаслиги ҳамда футболга бўлган муҳаббатига эътибор қаратаман. Улар мана шу "чигрик"лардан ўтолсагина клубга қабул қиламиз. Бу жиҳатларга эга бўлган ёшларни, албатта, катта майдонга чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва чинакам кураш муҳитида тоблаш керак. Бу ҳар қандай мураббийнинг яхши фазилати деб ўйлайман. Ахир тулпорнинг кучи шунчаки юрганида эмас, улоқ чопганида билинади. Кўпчилик мени кўнгли бўш мураббий, дейишди. Балки шундайдир, лекин футбол жамоавий ўйин эканини унутмаслик керак. Кези келса, жуда қаттиққўлман. Футболчи фақат жис-

монан эмас, балки руҳан, маънан етилиши керак, деб ҳисоблайман. Бу жараёнда шахсий амбицияларим туфайли уларни синдириб қўйишдан қўрқаман. Эҳтимол шогирдларимни биров аяшим, ҳимоя қилишим уларга бўлган меҳримдандир.

— 2013 ва 2016 йилларда сиз республикамизда "Йилнинг энг яхши мураббийи" деб топилгансиз. Тажриба ва билимингиз йилдан-йилга шаклланиб, чарчаниб боряпти. Нима деб ўйлайсиз, фаолиятингизда бурилиш ясаш вақти келмадими?

— Аввало, менга шунчалик эътибор ва ҳурмат кўрсатган халқимиз ва давлатимизга ўз миннатдорлигини билдирман. Бу унвону эътирофлар кўнглимни тоғдек юксалтирди. Шу билан бирга, зиммамга улкан масъулият юклатди. БевоСИТА саволингизга келсак, "Насаф"

клубида қилишим керак бўлган ишлар ҳали кўп. Таркибни янада яшартириш устида ишлаяпмиз. Маҳаллий ёшларни сафимизга жалб этиш ҳаракатидамыз. Балки "Насаф" Ўзбекистон чемпиони бўлганидан кейингина ўша «бурилиш» ҳақида ўйлаб кўрарман.

— Футбол бўйича миллий терма жамоамиз бу сафар ҳам мундиал йўлланмасини кўлга киритолмади. Бу аламли ҳолат мухлислар қатори сизни ҳам ўртгани аниқ.

— Миллий терма жамоа натижаси учун шу юртдаги барча футбол мураббийлари қайсидир маънода жавобгар. Келаси йили Россия яшил майдонларида ўтадиган мундиалга миллий терма жамоамиз ҳам йўлланма олганида, мухлислар учун энг катта совға бўларди. Аммо мағлубият футболнинг бир қисми, йўқотишлар олдида эсанкираб қолмаслигимиз керак. Ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликини йўқотмай, бир мақсад йўлида бирлашсак, албатта, бу орзуимиз ҳам ушалади.

Агар шахсий фикрларимни билмоқчи бўлсангиз, айтишим мумкинки, миллий терма жамоамиз таркибини оралиқ вақтдан фойдаланиб яшартириш, ҳар бир амплуа бўйича энг иқтидорли ёшларимизни таркибга жалб этиш керак. Жаҳон чемпионати учун кечган саралаш баҳсларида ҳамкасбларимиз кўпроқ тактикага ва унга мос ўйинчиларни таркибга жалб этишга эътибор қаратганларида натижа бошқача бўларди. Тўғри, ғалаба ҳамманики, мағлубият учун эса мураббий айбдор. Аслида мағлубият ёки камчиликлар боисини мураббийдангина эмас, атрофдан, умумий муҳитдан ҳам излаш керак. Нега деганда, кўпдан кўп фикр чиқади. Биз Европа ёки бошқа қитъаларнинг футбол бўйича энг илғор тажрибаларини кузатамиз, лекин ўзлаштириш ва татбиқ этишга қийналамиз. Шу сабабли кўпинча меҳнатимиз маҳсули «ноль»га тенг бўлиб қолаверади. Ўйлайманки, мундиал масаласига ёндашув ҳаммамизнинг дардимиз. У эртами-индин, албатта, ўз ечимини топади. Бунга қодир мутахассислар юртимизда бор.

**"Ma'rifat" мухбири
Ўктам МЕЙЛИЕВ
сўхбатлашди.**

Методист ва ўқитувчи ҳамкорликда ишласа...

Пойтахтимиздаги 194-умумтаълим мактабида "Методист — ўқитувчиларга кўмакчи" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Тадбирда тажрибали методистлар ҳамда пойтахтимиздаги таълим бошқа тилларда олиб борилган умумтаълим мактабларининг ўзбек тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

"Методист мактаби" ўқувлари доирасида ташкил этилган семинарда ўқитувчиларга узлуксиз методик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос талаблари, методик қўлланмалардан самарали фойдаланиш, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.


— Семинар ўзаро фикр алмашиш, илғор иш тажрибалари ва интерфаол методларни оммалаштиришга имкон яратди, — дейди 194-умумтаълим мактаби директори Дилноза Пиримкулова. — Методист ўқитувчи билан доимий ҳамкорлик ўрнатса, илғор тажрибалар юзага келади. АКТдан фойдаланишда юзага келадиган муаммолар юзасидан методист педагогга тушунчалар бериши керак. Бугунги тадбир шу жиҳатдан фойдали бўлди.

Семинарда методист ва ўқитувчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Мадина ОЧИЛОВА,
шу мактаб ўқитувчиси**

Халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими тизимида узлуксиз малака ошириш жараёни ташкил этиш тўғрисидаги низом"га асосан Учтепа туманидаги 107-ИДУМда "Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг замонавий таълим муассасасидаги ўрни" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Фаол ўқувчиларни кўпайтириш учун...



Худуддаги таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари учун таянч мактаб ҳисобланган ушбу мактабнинг тажрибаси Тошкент шаҳри микёсида мутахассисларга намойиш этилди.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг тарбиясига, ахлоқий кўникмаларини шакллантиришга ало-

ҳида эътибор билан ёндашилди, — дейди 107-ИДУМ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шоира Багирова. — Ўқувчилар орасида мактабдаги тадбирларга ўз хоҳиши билан қатнашувчилар, кечаларни олиб борувчи суҳандонлар ёки лидерлар кам, деган ҳақли эътирозни кўп эшита-миз. Бироқ ана шундай ўқувчи-

ларни шакллантириш учун фаол болаларга кўпроқ имконият бериш лозим.

Ш. Багированинг ушбу таклифлари мактаб ўқувчилари томонидан амалий намойиш этилди. Бу тажрибани кузатганлар директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари қўғоз ёки ҳужжатлардан кўра кўпроқ бевоСИТА ўқувчилар билан ишлаши лозим, деган хулосага келди. Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари синф раҳбарлари ва ўқувчилар билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиши самарадорлигининг энг биринчи шартидир.

**Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири
В. ГРАНКИН
олган суратлар.**

Ё Н Ф К

Мағзининг шакли худди одам миясини эслатадиган ёнғоқ ҳаммамизга яхши таниш. Боғларда, қир-адирлар бағрида тарвақайлаб ўсадиган ёнғоқ дарахти меваси қадим-қадимдан шифобахш хусусиятлари билан тан олинган.



Биологик хусусиятлари. Бўйи баъзан 60 метргача етадиган ёнғоқ дарахти танасининг пўстлоғи оч кулранг тусда бўлиб, ёши улғайгани сари чуқур-чуқур ёриқлари кўпайиб боради. Барглари танада навбатма-навбат жойлашиб, тоқ патсимон, бандли. Гуллари майда, бир жинсли, яшил тусли, узунлиги 10 см.гача борадиган тўп гул — кучала ҳосил қилади. Мевасининг аксари деярли думалок, гоҳо эллипссимон шаклда, ҳар хил катталиқда бўлиши мумкин. Ташқи пўсти этдор, яшил тусли, етилганидан кейин қорайиб, қаттиқлашиб қолади. Ёнғоқ мағзи юпқа парда билан қопланган. Апрель, майда гуллайти, мевалари август охири, сентябрь ойида етилади.

Ёнғоқ Марказий Осиёнинг жанубий минтақаларида ёввойи ҳолда ўсади. Марказий Осиё, Озарбойжон, Кавказ ва бошқа жанубий ўлкаларда дарахтнинг бу тури маданий тарзда экилмайдиган жой деярли учрамайди. Ёнғоқ дарахтининг кераксиз қисми йўқ — япроғи, гули, мева пўстлоғи, пўчоғи, мағзи, танаси, ҳатто етилмасидан туриб узиб олинган думбул меваси ҳам халқ табобатида дармондори эканлиги кўпчиликка маълум.



Nabotot olami

Шифобахшлиқда тенги йўқ. Халқ табобатида ёнғоқ гули, барги, думбул гўраси, мева пўстлоғи, пўчоғи, мағзи, мағзи орасидаги тўсиқ ва мойидан ота-боболаримиз унумли фойдаланишган. Шарқда ва Болтиқбўйи мамлакатларида мева гўрасидан ажойиб мураббо тайёрлашади. Йод моддасига жуда бой бўлгани боис, бу мураббони айниқса қалқонсимон без фаолияти ишдан чиққан кишилар истеъмол қилиши лозим. Гипертония, қандли диабетта чалинган кишилар учун ҳам бу мева фойдали. Гўраси камқонликда, мағзи орасидаги тўсиқлардан тайёрланган дамлама депрессия, сурункали колит, гипертония, қандли диабетда, янги узиб олинган барглари шарбати яллиғланишга қарши таъсия этилади. Янчилган ёнғоқ мағзини асалга аралаштириб бериш халқ табобатида

қадимдан расм бўлган, ёнғоқ мойи эса сийдик йўлида тош пайдо бўлиши, юрак ҳамда буйрак касалликлари туфайли юзага келадиган шишларни йўқотишда ҳам ишлатилган. Баргларида тайёрланган дамламани меъда яраси, атеросклероз, йирингли отитларда буюрилган, ангина, стоматит, гингивит, парадантозда эса оғиз, томоқни чайиш учун берилган. Ёнғоқ мағзи анжир билан кўшиб ейилса, организмда тўпланиб қолган захарли моддаларнинг таъсир кучи камайган.



Мева таркиби.

Ёнғоқ баргларида гидроюглон, гликозид, флавоноид, В₁ витамини, каротин, эфир мойи, ошловчи моддалар бор. Мевасининг кўк пўстлоғида ҳам витамин, ошловчи моддалар учрайди. Мағзида ёғ, В, витамини, темир, кобальт тузлари ва рух моддаси бор. Бундан ташқари, ёнғоқ фоллий кислотаси ва кальцийнинг асосий манбаи ҳисобланади. Меваси гўра ҳолида худди наъматак сингари витаминга жуда бой. Ёнғоқнинг қарийб 70 фоизи ёғдан иборат бўлиб, аксарияти тўйинмаган фойдали ёғлардир.

Калорияси. Ёнғоқ калориялиги буйича оқ нондан икки баробар юқори туради. 100 г ёнғоқ мағзида 850 ккал мавжуд. Агар қунига икки дона ёнғоқ истеъмол қилинса, хотира анча яхшиланади. Қунига истеъмол қилинган 4 та ёнғоқ эса организмни антиоксидант билан кучлантиради, иммунитет ва ҳужайралар ҳимоясини яхшилайти. Бу мева олма, лавлаги, сабзи ва пишлок, шунингдек, асал, заранг дарахти қиёми, петрушка, товук гўшти, долчин ва саримсоқлиёз билан ҳам ажойиб тарзда бирика олади.

Мамлакатимизда ёнғоқзорларни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг тоғ ва тоғолди туманларида ёнғоқ етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Агар ёнғоқзорларимиз кўпайса, халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлиб, меванинг бу туридан фармацевтика саноати, табобат соҳасида фойдаланиш имкониятлари янада кенгайди.

Гулмира НАЗАРОВА,
Ҳамза УМАРОВ,
Галаосиё қурилиш ва транспорт
касб-ҳунар коллежи кимё факии ўқитувчилари

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муһаррир вазифасини бажарувчи
Ҳусан НИШОНОВ

Газета O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. G-1015. Tiraj 32122.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshiriltishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 01.10 Topshirildi — 01.55

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Diraynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Gulyuz ORIFJONOVA.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.